БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 27 сентябрь
Пайшанба
№ 184 (13.620).
Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ •



Кўп ёзиляпти, гапирилмоқда пахта даласидаги юмушлар ҳақида. На илож. Мавсум палласи.

Бухоро вилояти Қизилтепа ноҳиясидаги Навоий номли жамоа хўжалигидагилар ҳам шу ташвишда. Айниқса, С. Салоҳиддинов бошлиқ бригадада иш қизғин. Жамоада кунлик режанинг 2,5-3 фоизи миқдорида пахта териляпти. Бунда илғор теримчи Ҳадича Темированинг ҳам ҳиссаси катта. У ҳар куни хирмонга 180-200 килограмм хом ашё тўкмоқда. Ҳадичанинг шу кунгача уйган хирмони 3 тоннадан ошди.

Ҳ. ҚУРБОНОВ олган сурат.

Комсомол: кеча, бугун, эртага

Ушанда дув-дув гап бўлганди. «Комсомолга МХДДни битириб келган йигит ишга ўтибди». Дорилфунунда бу воқеани ҳар ким ҳар хил йўйди. «Москва халқлар дўстлиги дорилфунунини тугатган одамга комсомолда нима бор?» деб энсаси қотганлар ҳам бўлди. «Энди комсомол иши жонланаркан-да», — дегувчилар ҳам топилди.

«Шундай кунлар бўладики, ўз қизим билан кўришолмай юраман. Эрталаб у ухлаб ётганида ишга кетсам, кечқурун ухлаб қолганида уйга кириб келаман. Хотиним Гулнорага ҳам қийин бўлиб кетди. Баъзан рўзғор ташвишлари фақат ўзининг зиммасига тушиб қолади. Эрталабдан кечгача югуриб-елиб, ҳаётимда ҳеч бир маъно кўрмаяпман».

Унинг гапларидан бир вақтлар ёзувчи Нодар Думбадзенинг китобларида ўқиган сатрлар хаёлимдан ўтди: «Ҳаётда ўз йўлини топди» деган иборани ишлатишади. Турли вазифалар, мавқе-мартабаларга эришиб-да, бир умр йўлини топмай ўтганлар ҳам бўлади. Ёки аксинча, тақдир насибаси қандай бўлишидан қатъий назар ҳар қандай йўлдан йўргалаб кетаверишлар ҳам бор. Бундайларни яшашни билади, дейишади. Тақдир бошлаган йўлдан юришни истамаган ёки қоқилган кишини кўпроқ ўзини айбдор қилишади».

У майдонга катта режалар, ниятлар билан чиққанди. Энди-чи? Дорилфунун айни катта анжуманлар арафасида ҳаммасига қўл силтаб, кетвормоқчи. Қизиқ, киши ўз ниятини, қарорини ўзгартириши учун бир йил кифоя экан-да.

Аслида, у бу соҳага қўл уриши керакмиди? Шахсан ўзим унинг котибликка сайланишида қарши овоз берганман. Бўлаётган музокараларда талашиб-тортишиб, саволларга бурро-бурро жавоб бераётган, мақсад-режаларидан оташин нутқ қилаётган 9 нафар номзод орасида ўрта бўйдан келган, ушоқ жуссали соддагина бу йигитнинг катта даргоҳда ёшларга раҳбарлик қилишига унчалик кўзим етмаганди. У ўзини ишбилармонликда кўз-кўз қилмас, чиройли гаплари билан ҳам ўтирганларни мафтун этмасди. Назаримда, яхши раҳбар бўлиши учун унда уддабуронлик, ташкилотчилик етишмаётгандек эди. Лекин кўпчилик уни қўллаб-қувватлади.

Хўш, Равшан котибликка сайланиб комсомолда аҳвол бироз бўлса-да ўзгардими? Ўйланган режалар рўёбга чиқдими?

Ҳар қалай унинг фаолияти давомида ишда силжишлар бўлмади эмас, бўлди.

Аввало қўмита ўз хўжалик ҳисобига эга бўлди. Ихтиёрига 10 минг сўм пул ажратилди. Ёшларнинг қатор ижодий, илмий-техникавий марказлари ташкил қилинди. Мазкур марказлар доимий ишлаб турса, ҳам маънавий, ҳам иқтисодий кўп фойда келтирарди. Равшаннинг ташаббуси билан қилинган ишларни санаб ўтириш даркор эмасди. Уларнинг бари бугунги кунда комсомолнинг қилиши керак бўлган ва қилинаётган, шунингдек, комсомолнинг имкониятидаги ишлар эди. Бу бизни қизиқтирган масаланинг моҳиятини белгиламасди.

Гап шундаки, Равшан мен билган, шу лавозим билан нохуш хайрлашаётган учинчи киши эди. Кўп йиллар комсомолда меҳнат қилиб, кўп яхши ишларни амалга ошириб «Комсомолда шунча йил ўтган умрим бекор кетди, на ўзим, на бошқалар бундан манфаат топди», — деган битта у эмас.

Қизиқ-да, инсон бир ишга жон-дили билан киришса елиб-югуриб тер тўкса, охири кўнгли совиб ўтган умрига норизо бўлса? Унда бундай ишдан нима наф? Авваллари — ҳа, биз ўша турғунлик йиллари деб айтадиган кезларимизда «юқори» барибир комсомолга ғамхўрлик қилар, комсомол ходимларни вақти-соати келганда муносиброқ жойини топиб кўтариб юборарди. Энди эса... Комсомол ходими 5-6 йил ишлагач, кетарда, қарасаки, аҳволи абгор. Ўтган 5-6 йил эвазига у нималик бўлади? Ҳеч нарсалик — мутахассислиги эсдан чиқиб кетган, на 4-5 сўм пул жамғарган.

— Комсомолнинг менга кўрсатган каромати — одамларни, ҳаётни озмоз бўлса-да ўрганасан. Ёшлар билан ишлаш қандай мароқли, билсангиз. Менга кўп ёшлар ишонч билдиришганди. Шу ишончни оқлашим учун ҳам ишлашим керак эди. Лекин мен ҳозир комсомолдан кўра ўз соҳамда ишласам фойдалироқ бўлардим.

— Бу ҳақда олдинроқ ўйлаш керакмасмиди?..

Равшан киноялн бир кулимсиради, индамади.

...Уни Москвада олиб қолишмоқчи эди. Кўнмади. Ҳозир ҳамма ерда қайта қуриш кетаётган бир пайтда юртимда бўлишим керак, деди.

Ўқишни тугатиб Тошкентга келиб икки ой ишсиз юрди. Шундай олий даргоҳни тугатиб келган кадрни иш билан таъминлашмаса дуруст бўлмас. Катталар мулоҳаза қилишдими, Тошкент Давлат дорилфунунига котиб ўринбосари қилиб юборишди. Комсомол ҳам ҳозирча жамиятда ёшларнинг ягона ижтимоий-сиёсий ташкилоти, у ергаям билимли йигитлар керак. Шу маънода Равшаннинг тақдири комсомолга боғланиб қолди. «Бирор вазифани ишониб топширишгандан кейин ишлаш керак. Ишга қобиллигингни кўрсатиб, кетмоқчи бўлсанг, кейин кет», — ўйлади Равшан.

— Комсомол ўзи сиёсий куч сифатида нимага керак. Унинг ички, хўжалик ишларига тўхталиб ўтирмайлик. Оддийгина қилиб айтганда комсомолнинг энг биринчи бурчи ёшлар ҳақида қайғуриш ва уларга ғамхўрлик қилиш. Узоққа бормайлик, гапни дорилфунун мисолидан айтсак.

Шу даргоҳда ҳақиқий маънода олий маълумотли кадрлар тайёрлаш учун имконият етарлими? Таълим-тарбиянинг юқори савияда олиб борилишидан ташқари аввало талабаларнинг ўқиш ва яшаш шароитлари сизни қониқтирадими? Дорилфунунда ўқув аудиторияларни таомилдагидек қилиш учун техникавий имкониятлар ночор. Ётоқхона муаммоси бир умр талабаларни қийнаб келган. Уларнинг назарида бунга комсомол айбдор. Аслида бунга бизнинг «ривожланган социализм» айбдорлигини негадир ҳеч ким айтмайди. Демак, аҳвол шундай экан, йигит-қизларни ўқишга қабул қилишда ҳар томонлама ўйлаб иш кўриш керак эди. Ўқишдан, шароитдан қийналган талаба дардини комсомолга айтмоқчи бўлсин. Энг ёмони, комсомол ҳамиша ҳам, ёшларнинг дарду-қувончларини бирга баҳам кўролмайди. Унинг талаб-эҳтиёжи учун комсомол қанчалик кураша олади? Қўлида имтиёзи, ҳақ-ҳуқуқи (буларнинг бари қоғозда) бўлмагандан кейин у ҳам ўзини ҳар томонга уради. Кўп муаммолар раҳбарларсиз битмайди. Масалан мен, бирор ташкилотга, раҳбариятга илтимос билан кирсам, ўзим учун эмас, балки 11 минг талаба номидан кираман. Баъзан тили билан дили бирмас раҳбарлар айбдор, ёшлар олдида юзинг шувут бўлиб қолади.

Кишига алам қиладигани, баъзан комсомол ора йўлда қолади: на у ёқли, на бу ёқли. Яхши-яхши ташаббуслар билан чиққан ёшларни қўллаб-қувватлолмайсан. Буни мен сайлов мавсуми, тил масаласи кўтарилган пайтларда яққол ҳис қилдим. Минг марта мустақил ташкилот деб айтаверишсин, мажбур қилишади юқорига қараб ишлашга.

Комсомолнинг инқирози, обрўси ҳақида гапирамиз. Уни асраб қолмоқчи бўламиз. Бунинг учун аввало ёшларни комсомолга ишонтира билиш зарур.

Жамият тартиботида ёшларнинг ҳақ-ҳуқуқлари учун кураша оладиган, талаб-эҳтиёжларига бевосита жавобгар, ўз вақтида уларни шу ташкилотдан манфаатдор қилоладиган кучга эга бўлмас экан, комсомолнинг қаддини тиклай олмаймиз. Комсомол ҳам фирқа билан тенг даражада ўз мустақил сиёсий кучига эга бўлсин: тарихдан маълумки, ҳар бир нарса янгиланиб, ўзгариб тураркан, комсомолнинг ишида услуб, мазмунни янгилаш даркор.

— Яқинда ойнаи жаҳонда бир телешарҳловчи «Қаердаки ишёқмас, дангаса киши борки, комсомолга ишга боради», — деганди.

— Бу гап нотўғри. Комсомол ходимларини ишламаяптилар, деб бўлмайди. Фақат қилган меҳнатларидан на ўзининг, на бировларнинг кўнгиллари тўлади. Охир-оқибат буларнинг бариси шахсий ҳаётингга, оилангга таъсир этаётганини сеза бошлайсан.

Тўғриси, Тошкент Давлат дорилфунуни комсомол қўмитаси котиби Равшан Ҳакимов билан суҳбатлашиш жуда қийин кечди. Назаримда, уни нимадир изтиробга солаётган, кўнглидан кечганини айтгиси келмай, қийналаётгандек эди.

Биз масъулиятли лавозимларда ишлайдиган кишиларнинг ҳамиша яхши нотиқ, чиройли гапиришларига ўрганиб қолганмиз, шундайларни иш биладиган, уддабурон деб биламиз. Равшан эса тўлқинланиб гапирмас, фикрини ифодалашда қийналар, гап орасида онда-сонда «уҳ» тортиб қўярди. Бир қараган одам ҳақиқатан ҳам Равшандан «тузук раҳбар» чиқишига шубҳа туғиларди. Ўзимизда бундай кўникмани ҳосил қилишимиз, шу кунгача ҳаётда бизга панд бериб келган. Ишда ўзини кўз-кўз қиладиган, жуда маданиятли, муомилали шахсларда баъзан омма билан ишлаганда энг кераги — одамгарчилик, фидойилик, меҳр-шафқатдан заррача топилмаслиги мумкин. Уларнинг ҳаракати кўпинча бошқаларни кўра ўз шуҳрати, манфаати йўлида бўлиши мумкин. Равшан борасида адашганим ҳам шу эдики, бир йиллик фаолияти, бир соатлик суҳбати давомида мен унда меҳнатга нисбатан фидойи, ғайратли, одамлар учун қайғурадиган инсонлигини англадим.

Уйланиб қолдим. Равшаннинг ўрнида котибликка номзоди кўрсатилган йигитларнинг қай бири бўлсин қисқа вақт ичида шу фикрга келармиди? Умуман вазият бошқача бўлиши ҳам мумкин эди-ку? Равшаннинг ишдан кетмоқчилиги заруратми ёки тасодиф? Агар тасодиф бўлса, бунга туртки бўлган аниқ бир сабабни айтмади. Агар зарурат бўлса, мен унга қарши овоз бериб тўғри қилганман.

Равшанда илмга, меҳнатга нисбатан кучли лаёқат, чаққонлик бор. Буни тан олиш керак. Ўз касбига қизиқиши, уни чуқур тушуниши сезилади. Лекин у умуман ҳаётга нисбатан «нўноқ» эди. Бундай дейишимнинг боиси, Равшан тил билан, чаққонлик билан иш битказолмас, бировни ака, бировни ука, деб раҳбарлар билан келишишни уддалолмас, жамоат ишларида, ташкилот, маҳкамалар орасида югур-югурларга тоби йўқ эди. У эпчил йигит бўлганида, аввало ўзининг ҳаёти тўғрисида қайғурарди. Уч йилдан бери уйсиз, квартирама-квартира юриб Тошкентда турмаган бурчаги қолмади. Яқиндагина хотинининг ишхонасидан берилган икки хоналик уйга эга бўлишди.

Мен унинг уйини, яшаш шароитларини бориб кўрдим. Оиласи билан танишдим. Хотини Гулнора, қизчаси Динора билан, гаплашдим. Менинг бу йигит ҳақида мулоҳазаларим шундай бўлдики, бойлик орттиришга интилиш, мешчанлик сифатлари унинг учун ёт. Яшашлари оддийгина, катта бойлик — китоб деб, билган бу йигит, манфаати йўлида, иш битиши учун ўзини ҳар куйга солишни, кимларгадир ялиниб-ялтоқланишни ёқтирмасди. Унинг ўрнига «яшашнинг йўлини билган йигит» аллақачон шундай катта даргоҳда масъулиятли вазифада туриб, ҳаёт эҳтиёжларини қоплаб олган бўлармиди? Ўз тақдири учун қулай имкониятлар яратолмаган киши қандай қилиб бошқаларнинг тақдирига ёрдам бера олади. Масалан, Равшан дорилфунун талабаларига турли саёҳатлар ваъда қилади, қурилиш отрядларига, комсомол ишларида фаол йигит-қизларга имтиёзлар яратмоқчи бўлади. Умуман ёшлар ҳаётида янгиликлар ясамоқчи, уларга қизиқарли тадбирлар уюштирмоқчи бўлади. Кўп яхши ниятлар ўйлаб қўяди. Буларни бажаришга келганда эса кимгадир саргайиши, қандайдир чораларини топиш зарур. Баъзан ҳамма масалалар ҳам Равшанга боғлиқ бўлмай қолади. Ана унда кўринг, ёшлар олдида сулутсиз бўлиб қолишинг. Шундай пайтларда Равшаннинг лавозимидан воз кечгиси келади.

Эрта кетиб, кеч келган эрининг аҳволига қараб баъзан хотини Гулнора савол беради: «Ўзи нималар қиляпсиз?» Бу гап Равшанга қаттиқ таъсир қилиб кетарди. Комсомолда ўтаётган кунлари ўзи учун, оиласи, келажаги учун бирор бир мазмун касб этаяптими? Ўқишни тугатиб фаолият бошлаганига анча бўлиб қолди-ку, ҳаётини бир изга солиб ололмади, бир ишнинг бошини ушлолмади. Соҳаси турибди бир томонда, илмий иш қилиш орзуси бор.

Инсонни доимо ҳаётда қийнайдиган жараён — ўтган умридан, қилаётган меҳнатидан бир маъно кашф этолмай яшаш. Киши қайси касб, қайси соҳада ишламасин, ҳам моддий, ҳам маънавий бир эҳтиёж сезмас экан, ундай фаолиятдан пушаймонлик ҳисси ҳар қадамда бўлади.

Равшан фаолиятини ўз мутахассислиги бўйича бошлаганидами, шундай фикрлар гирдобида қийналармиди?

Москва халқлар дўстлиги дорилфунунини муваффақиятли тугатган. Халқаро журналист деган мутахассисликка Ўзбекистонда биргина ўзи эга. Устозлари ундан яхши мутахассис чиқишига ишонч билдиришганди.

Мана, қўлимда ҳужжатлари. Москвада ишлаган даврдаги фотосуратлар, қатор хорижий мамлакатлардан дорилфунунида дарс ўтишга чақириб таклифномалар.

Шундай экан, нега уни ўз соҳасига ишга юбормадилар? Энг ачинарлиси ҳам шу эди. Фақат бугуннинг ғамини еб, узоқни кўзламай иш тутиш, кадрларни жой-жойига қўймаслик, улардан ўз ўрнида фойдалана билмаслик оқибати аввало жамиятга зарар келтирса, қолаверса, мана шундай пушаймон тақдирларни туғдиради.

Ким айбдор? Қанча қанча ҳукумат идоралари қошида ёшлар масалалари бўйича қўмиталар ишламоқда...

Комсомол ҳам ўз навбатида инсонларнинг эртасини кеч қилмайдиган, чалкаш тақдирларга замин бўлмайдиган ташкилот бўлармикан?

Баъзан яхши одамдан, яхши мутахассисдан яхши комсомол ходими чиқмас экан. Нега шундай? У комсомол ишига «кириб» кетолмаслигиданми ёки бу комсомолнинг моҳиятига боғлиқми? Комсомол ходими қачон ўз ишидан мамнун яшайди? Қачон кўнгли тўлиб ифтихор ила бу даргоҳ билан хайрлашади.


— Комсомолдан кетгандан кейин қаерда ишламоқчисиз, — дейман кетарда.

— Ҳали иш қидиришим керак.

Меҳрибон ҚУРБОННИЁЗОВА,
«Ёш ленинчи» махсус мухбири.

«ИСТЕЪФОГА ЧИҚМОҚЧИМАН»

У ОРАДАН БИР ЙИЛ ЎТИБ ЛАВОЗИМИДАН ВОЗ КЕЧМОҚЧИ. БУНГА «ИШНИ ЭПЛОЛМАДИ ЁКИ ҚИЙИНЧИЛИКДАН ҚОЧДИ» ДЕГАН ГАПЛАР САБАБМАС



Шу сонга хабар

«Истиқбол-90»

Тошкент вилояти Паркент ноҳия комсомол қўмитаси ноҳиядаги истеъдодли ёш хонандаларни аниқлаш, уларнинг келгуси фаолиятига ёрдам бериш, халқ орасида оммалаштириш учун «Истиқбол—90» конкурсини ўтказиш мақсадида икки ой олдин рўзномада конкурс шартларини эълон қилишди. Ниҳоят ҳаяжонли дақиқалар, ёш хонандалар орзиқиб кутган дам етиб келди. Ноҳия ёшларига топширилган бино залида «Истиқбол-90» конкурси бошланди.

Хонандалар ўзлари яратган иккита янги ва битта классик қўшиқ билан конкурсда қатнашдилар. Томошабинлар ҳар бир қўшиқчини самимий, чуқур ҳурмат билан кутиб олишди, ўз хурсандчиликларини, қўшиққа бўлган меҳр-муҳаббатларини изҳор қилишди. Конкурсда қўшиқчининг овоздан ташқари, қўшиққа басталаган куйнинг ижроси, кийиниши, қўшиқнинг мазмундорлиги алоҳида ҳисобга олинди. Иккинчи куни жюри ҳайъати 14 хонандадан 9 киши финалга йўлланма олганлигини эълон қилди.

Учинчи куни эса финалга чиққан хонандалар орасидан 1—3 ўрин эгалари аниқланди. Озода Ёрова ва Бўрон Йўлдошев конкурсда биринчи ўринни, Дилмурод Йўлдошев иккинчи ўринни, Беҳзод Султонов ва Обиджон Расуловлар учинчи ўринни эгаллаганликлари эълон қилинди. Конкурснинг энг ёш қўшиқчиси Умида Мирҳомидовага « «Умид» мукофотининг совриндори, Жамила Дадаевага «Энг жозибали қўшиқчи» мукофоти, Дилсора Шомировага «Томошабинлар меҳрини қозонганлиги учун» мукофоти, Умайра Джулдикараевага «Энг яхши қўшиқ учун» мукофоти берилди.

И. ОРТИҚОВ.

Муштарий норози—нега?

Машмаша қаердан келиб чиқади? Бизнингча, ширинсўз ва бир-биримизга самимий эмаслигимиз бунга сабаб бўляпти. Мана, бир мисол. Тошкент Давлат дорилфунуни доценти У. Амиров бир неча кундан буён почта олмаётган эди. Кундалик матбуот янгиликларидан ўз вақтида хабардор бўлиб туриш бундай кишиларга суву ҳаводан зарур. «Главпочтамт»га сим қоқиб, мазкур ҳолатнинг сабабини суриштирганда, унга вазиятни холисона тушунтириб беришмади. Жавобдан қониқмаган муштарий рўзномамизга арз қилишга мажбур бўлди.

Биз «Главпочтамт» бошлиғи ўринбосари Г. А. Аропова билан боғланиб, юқоридаги ҳолатни изоҳлаб беришни сўрадик.

— Уч кундан буён «Марказ—5» мавзеси обуначиларига почта тарқатилмаётгани рост, — деди у. — Уларнинг шикоятлари ўринли. Бунга, биринчи навбатда, ёқилғи йўқлиги сабаб бўлди.

Осмонда учиб бораётган тайёранинг соҳиби: «Йўловчи ўртоқлар, ёқилғи тугади, энди учмаймиз», деса, нима бўлади?..

Сўнгги гап: Т. А. Ароповaнинг бизга хабар беришича, кеча «Марказ—5» мавзесидаги обуначиларга почта тарқатилган.

Ҳ. ТЎЛҚИНОВ.

Шу сонга хабар

БУТУНИТТИФОҚ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

26 сентябрь куни Тошкентда очилган илмий-амалий конференция бозор иқтисодиёти шароитида жумҳуриятлар иқтисодий мустақилликка ўтишининг назарий ва амалий муаммоларини кўриб чиқади.

Бутуниттифоқ иқтисодий жамият марказий бошқаруви ва унинг Ўзбекистон бўлими, Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги раҳбар ходимлар ва мутахассислар малакасини ошириш жумҳурият тармоқлараро институти ҳамда Тошкент халқ хўжалиги институти конференция ташкилотчилари бўлишди.

Конференцияга иттифоқдош жумҳуриятлардан келган иқтисодчилар, олимлар ва амалиётчи ходимлар тўпланди.

Улар жумҳуриятлар хўжалик мустақиллигининг иқтисодий асосларини, иқтисодиётни бозор муносабатларига ўтказишнинг методологик масалалари ҳамда жумҳуриятларнинг бозор шароитидаги хўжалик фаолияти механизмими, шунингдек янги шароитда иқтисодиётни бошқаришни ташкил этиш ва унинг ҳуқуқий асослари масалаларини муҳокама қиладилар.

Конференцияни Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгашининг Раиси Ш. Р. Мирсаидов очди.

Конференция ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси Бюросининг аъзолари Р. А. Попов, Д. Ниетуллаев, Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари, жумҳурият Давлат план қўмитасининг раиси Б. С. Ҳамидов иштирок этди.

(ЎзТАГ).

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг ҚОНУНИ

МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ТУРМУШИНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШНИНГ ҚЎШИМЧА ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ижтимоий-сиёсий вазиятнинг мураккаблигини, жамиятни танг вазиятдан олиб чиқиш учун фавқулодда чоралар кўриш, бозор иқтисодиётига ўтишни таъминлаш, мамлакатни бошқариш системасини ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш зарурлигини эътиборга олиб, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети **қарор қилади:**

1. Мамлакатдаги аҳволни барқарорлаштириш мақсадида СССР Президентига агар СССР Олий Совети бошқа қоидаларни белгилашни зарур деб топмаса ёхуд СССР Президентига у қабул қилган қарорни ўзгартириш ёки бекор қилишни тавсия этмаса 1992 йил 31 мартгача бўлган даврга СССР Конституциясига мувофиқ равишда оператив тарзда норматив тусдаги Фармонлар чиқариш ва мулкчилик муносабатлари, халқ хўжалиги, бюджет-молия системасини бошқаришни ташкил этиш, меҳнатга ҳақ тўлаш ва нарх белгилаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш масалалари юзасидан топшириқлар бериш ҳуқуқи берилсин.

2. Умумиттифоқ бозорини шакллантиришни тезлаштириш ва шу мақсадда иттифоқдош ва мухтор жумҳуриятлар, мухтор вилоятлар, округлар баҳамжиҳат ҳаракат қилишини таъминлашни жадаллаштириш учун СССР Президентига давлат идоралари ва бошқа давлат тузилмалари барпо этиш ҳуқуқи берилсин.

3. СССР Олий Совети, СССР Президенти ва СССР Министрлар Кенгашининг фуқаролар тинчлиги ва осойишталигини сақлаш, жамоат тартиби ва давлат интизомини йўлга қўйиш, хўжалик алоқаларини ва корхоналарнинг нормал маромда ишлашини мустаҳкамлаш, иш ташлашлар ва бошқа ижтимоий можароларнинг олдини олиш, барча миллатлар ва миллий тузилмаларнинг ҳамкорлигини мустаҳкамлашга қаратилган куч-ғайратларини қўллаб-қувватлашга даъват этиб барча халқ депутатлари Советларига, сиёсий партияларга, касаба уюшмаларига, жамоат ташкилотлари ва ҳаракатларига мурожаат қилинсин.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти
М. ГОРБАЧЕВ.
Москва, Кремль.
1990 йил 24 сентябрь.

Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳурияти Президентининг Фармони

О. ОТАХОНОВ, П. МАМАДАЛИЕВ, Ҳ. РАЖАБОВ, О. ЮСУПОВ ЎРТОҚЛАРГА «ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ҲОФИЗИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Юксак ижрочилик маҳорати, классик мусиқа меросини ва оғзаки мусиқа-шеърият санъатининг анъанавий шаклларини ўзлаштирганлиги ва ривожлантирганлиги, фаол тарғиб этганлиги учун қуйидагиларга «Ўзбекистон ССР халқ ҳофизи» фахрий унвони берилсин:

Отахонов Очилхон — Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг Ю. Ражабий номидаги мақомчилар ансамблининг яккахон хонандаси, пенсионер

Мамадалиев Паттоҳхон — М. Қориёқубов номли Ўзбекистон давлат филармониясининг яккахон хонандаси

Ражабов Ҳасан — Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг Ю. Ражабий номли мақомчилар ансамблининг яккахон хонандаси

Юсупов Одилжон — Андижон вилояти Балиқчи ноҳиясидаги маданият уйи халқ ансамблининг яккахон хонандаси.

Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳуриятининг Президенти
И. КАРИМОВ.
Тошкент шаҳри, 1990 йил 25 сентябрь.

«ҲИНДИСТОНГА БОРМОҚЧИМАН...»

ДИЛДАН СУҲБАТ

ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ «СПУТНИК» ХАЛҚАРО ЁШЛАР САЁҲАТИ БЮРОСИНИНГ РАИСИ ҲАБИБУЛЛА ЗАЙНИДДИНОВ БИЛАН МУШТАРИЙЛАРНИНГ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ

Ниҳоят, кутилган кун, соат етиб келди, «Ёш ленинчи» муҳаррирининг ўринбосари роппа-роса икки соатга ўз хонасини тарк этди.

Унинг ўрнини Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси «Спутник» халқаро ёшлар саёҳат бюроси раиси Ҳабибулло Зайниддинов эгаллади. У икки соат мобайнида «Ёш ленинчи» ва «Комсомолец Узбекистана» муштарийларнинг (қолаверса биз — муҳбирларнинг ҳам) саволларига жавоб бериши керак. Табиийки, қаердан, ким, қандай савол беришини ҳеч ким олдиндан билмайди.

«СПУТНИК» ҲАҚИДА ҚИСҚАЧА МАЪЛУМОТ:

Халқаро ёшлар саёҳат бюроси 1958 йилда СССР Вазирлар Кенгашининг қарори билан ташкил топган. 1970 йилга қадар бюро фақат хориждан саёҳатчиларни қабул қилиб, айни пайтда хорижий элларга саёҳатчиларни юбориш билан шуғулланган. 1970 йилдан бошлаб эса Иттифоқимиз бўйлаб ҳам саёҳатлар ташкил этиш билан машғул бўлиб келмоқда.

Айни пайтда «Спутник» жаҳоннинг 66 мамлакатидаги 170 хорижий ташкилотлари билан ҳамкорлик қилмоқда.

Раис пиёладаги чойни бир ҳўплаган ҳам эдики, телефонлардан бири жиринглаб қолди.

— Алло, «Дилдан суҳбат»ми?

— Ҳа. «Дилдан суҳбат».

— Сизни Тошкент Давлат дорилфунуни журналистика куллиётининг тўртинчи курси толиби Қўчқор НОРҚОБИЛ безовта қилаяпти. Ака, энди талабалар орасида хорижга боришни хоҳловчилар жуда кўп. Айтинг-чи, талабалар учун махсус саёҳат марказлари борми, бўлса қайси мамлакатларда?

— Аниқ айтолмайман. Чунки бизда бундай маълумотлар йўқ.

— Яна бир савол: саёҳатга борадиган талабалар учун қандай имтиёзлар бор?

— Талабалар учун алоҳида имтиёзлар белгиланмаган. Лекин комсомол, касаба уюшмаси ташкилотлари маълум миқдорда харажатлар юкини енгиллаштириши мумкин. Масалан, йўлланма баҳосининг 50 фоизини тўлаши мумкин. Яна шуни айтиш керакки, бундай имтиёзлар барча хорижий элга борувчилар учун дахлдор. Ҳар бир ташкилот, корхона ёки ўқув юртларининг ўзи ҳал қилади, бу масалани.

Биринчи телефон ҳали қўлдан тушмай туриб иккинчиси жиринглади.

— Ассалому алайкум. Мен «Қишлоқ ҳақиқати» рўзномасидан Файзулла ИСАЕВман.

— Яхшимисиз, Файзулла ака, эшитаман.

— Мана, бозор иқтисодига ўтиш учун тайёргарлик кўряпмиз. «Спутник» ўз номи билан ёшлар саёҳати. Бу иқтисодий ўзгаришлар сизларга ҳам таъсир қиладими?

— Нимасини айтасиз, ака. Йўл харажатлари, озиқ-овқат, меҳмонхона ва бошқа хизматлар баҳоси сезиларли даражада ошса керак. Ўзингиз айтганингиздек, биз асосан ёшларга хизмат қиламиз. Уларга қийин бўлмаслиги учун ҳозирданоқ бош қотираяпмиз. Фойдали чора-тадбирлар ҳақида ўйлаяпмиз. 27 сентябрда (яъни бугун — **ред.**) Тошкентда Ўрта Осиё ва Қозоғистон жумҳуриятлари ёшлар саёҳати бюроларининг раислари йиғилмоқчимиз. Бундан асосий мақсад — ёшларимизнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, фойдали шартномалар тузиш. Имкониятларимизни чуқурроқ ўрганиб чиқмоқчимиз. Бу ишимизнинг ривожига ёрдам беради, деб ўйлайман.

Кейинги қўнғироқ эгасининг исми-шарифини билмасакда (телефонлар бетиним ишлаётганлигиданми, ишқилиб орага баъзан шовқин тушиб шунга сабаб бўлди) ҳар ҳолда унинг иккита саволини ёзиб олдик.

— Ҳиндистонга бормоқчиман, ҳеч иложи бўлмаяпти. Нега саёҳатга бориладиган мамлакатлар эълон қилинмайди?

— Ўтган йили Ҳиндистонга бешта гуруҳ бориб келди. Бу йил эса йил охиригача бу рақам ўнтага етади. Кўряпсизми, бир йил ичида Ҳиндистонга сафар қилганлар сони икки ҳиссага ошди. Иккинчи саволингиз жуда ўринли. Ҳақиқатан ҳам қачон, қайси мамлакатларга неча киши бориши ҳақидаги маълумотлар халққа, ёшларга ўз вақтида етиб бормаяпти. Аввааллари бу тўғрида рўзномаларда маълумотлар бериб бориларди. Йўлланмалар ҳақида комсомол қўмиталари, хусусан, «Спутник» бюролари орқали билиб олиш мумкин. Уларда барча маълумотлар бор. Лекин эътирозларингизни инобатга оламиз.

ЎЗАРО СУҲБАТДАН:

Х. ЗАЙНИДДИНОВ: — Аввааллари ёшларни хорижий элларга саёҳатга жалб этиш учун ташкилот, хўжалик раҳбарларига ялинар эдик. Одам йиғиш катта муаммо эди. Ҳозир эса бунинг акси. Барчанинг истагини бажо келтириш мушкул бўлиб қолди. Сабаби — имкониятларимиз етарли эмас. Ҳозир «Спутник» Ўзбекистон бюромизнинг мустақиллиги учун ҳаракат қилаяпмиз. Ишлаб топган пулларимиз ўзимизда қолиши керак. Ўзимизнинг салмоқли моддий базамиз бўлмас экан, имкониятларимиз чегараланиб қолаверади.

«Спутник» халқаро ёшлар саёҳати бюроси шу пайтгача саёҳатчи гуруҳлар билан асосан валютасиз айирбошлаш орқали иш олиб борди. Мамлакатимизга хорижий саёҳатчиларни қабул қилиш сифати ҳам жуда паст. Хорижий мамлакатларда эса бизнинг саёҳатчиларга хизмат кўрсатиш баҳоси анча қиммат. Айниқса, капиталистик мамлакатларда. Масалан, хорижий элга юборилган битта саёҳатчилар гуруҳининг харажати мамлакатимизга келган икки-уч хорижлик саёҳатчилар гуруҳига кетган харажат билан баробар.

Энди ўзимиздаги аҳвол қуйидагича: жумҳуриятимиз бўйича 20 та автобусимиз, Бухорода 380 ўринли меҳмонхонамиз бор, холос. Тўғри, иккинчи меҳмонхона қурилаяпти — Самарқандда. Яқинда фойдаланишга топширилади. Яна 8 минг сўм хориж пулига ҳам эгамиз. Уларга жиҳозлар, асбоб-анжомлар сотиб оламиз.

Навбатдаги қўнғироқ соҳиби **Тошкент Давлат дорилфунунининг жуғрофия куллиёти толиби Бахтиёр РАҲИМОВ бўлди. У ҳам талабалар учун имтиёзлар тўғрисида сўради.**

— Биз дорилфунун комсомол қўмитаси билан шартнома имзолаган эдик. Талабалар, яъни сизлар учун Булғория ва Югославияга саёҳат қилиш имконияти туғилганди. Лекин комсомол қўмитангизнинг айби билан шартлар бажарилмай қолиб кетди ва натижада бу имконият қўлдан бой берилди. Бироқ умидсизланиш керак эмас. Дорилфунун комсомол қўмитаси ёки Собир Раҳимов ноҳия комсомол қўмитаси орқали орзуларингизга етишишингиз мумкин.

— Алло! Сизни «Ленин учқуни» рўзномасидан Дилдора ТУРАХМЕТОВА безовта қилаяпти.

— Эшитаман Дилдорахон.

— Капиталистик мамлакатларга йўлланмалар бўладими биз ижодкорлар учун?

— Капиталистик мамлакатларга қийин. Лекин социалистик мамлакатларга тез-тез бўлиб туради. Масалан, хабарингиз бўлса, яқинда, бир гуруҳ ёш журналист ижодкорлар Югославияга бориб келишди.

— Алло! «Дилдан суҳбат»ми?

— Ҳа.

Тўлқин ОРТИҚОВман. Бир саволим бор эди. (У қаерда ишлаши ёки ўқишини айтмади).

— Марҳамат, Тўлқин.

— Капиталистик мамлакатга чиқиш учун албатта, фирқа аъзоси бўлиш шартми?

— Йўқ, шарт эмас.

Ундан кейинги қўнғироқ олис Бухоро вилоятидан бўлди. Қоракўл ноҳияси комсомол қўмитасининг иккинчи котиби Қосимжон РАЗЗАҚОВ сим қоқди.

— Ҳабибулла ака, бизга капиталистик мамлакатлар учун йилига икки-учтагина йўлланма берилади, холос. Кўпайтиришнинг иложи йўқми?

— Умуман капиталистик мамлакатлар учун йўлланмаларни кўпайтиришга ҳаракат қилаяпмиз. Лекин очиғини айтадиган бўлсам, қўлимиз калталик қилаяпти. Пул — валюта масалаларини ҳал этиш қийин бўлаяпти. Сизлар яхшиси валютасиз бор ташкилот ва корхоналар билан келишинглар, қолган иш биздан.

— Алло! Ака бир савол берсам майлими?

— Майли. Фақат ўзингизни таништирсангиз.

— Ёзувчилар уюшмасидан Мамат ИСМОЙИЛОВман. Бу «Спутник» бюроси орқали хорижга фақат комсомол аъзолари боради, холосми?

— Бундай чеклаш йўқ. Лекин йўлланмалар чекланган. Шуни айтишим керакки, «Спутник» орқали хорижга борадиганларни асосан комсомол ташкилотлари тавсия этади. Энди биз бошқалар учун ҳам имкониятларни кенгайтирмоқчимиз...

МУЛОҲАЗА УЧУН

ФАКТЛАР

Ҳабибулло Зайниддинов берилган саволларга жавоб қайтарар экан, «Имконият» деган сўзни кўп ишлатди. Наҳотки бошқаларнинг назарида энг пулдор ташкилот туюлган «Спутник» халқаро ёшлар саёҳат бюросининг қўли шунчалик калта бўлса? Наҳотки, саёҳатлардан келадиган қанча-дан-қанча маблағлар «қўлни узайтириш» учун етмаётган бўлса? Ана шу жумбоқли саволларга жавоб тариқасида қуйидаги факт ва рақамларни келтирмоқчимиз. Ажаб эмас, жумҳуриятимиз раҳбарлари, айрим вазирликлар улардан тегишли хулосалар чиқариб олсалар. Зора хорижга саёҳатга бориш орзуси армонга айланаётган минглаб ёшларимизнинг истаклари амалга ошадиган бўлса.

Дунёнинг 137 мамлакатида (бизда эмас) сайру-саёҳатни ривожлантириш масаласи давлат миқёсида, яъни вазирликлар, давлат комиссиялари, департаментлар орқали ҳал этилади. Бизда-чи? Аҳвол жуда ҳам ёмон. Мисол учун «Спутник» бюроси мамлакат бўйича 'бор-йўғи' 19 ёшлар маркази ва 5 та меҳмонхонага эга, холос. Бюро йилига 5 миллион мижозга хизмат қилади ва уларнинг 93 фоизини ижара ҳисобига қабул қилади.

Саёҳат борасида мамлакатимиз анча «камтар». СССР йилига 2,5 миллион хорижий саёҳатчини қабул қилади ва 700 минг шўро кишиси хорижий мамлакатларга саёҳатга боради. Яна 60 миллион нафар киши эса Иттифоқимиз бўйлаб сафар қилади. Ҳолбуки, ҳисоб-китобларга қараганда, 200 миллион хорижий эллик мамлакатимизга келишга, биз билан танишиш, дўстлашиш, урф-одат, анъаналаримизни ўрганиш, тарих ва маданиятимиздан баҳраманд бўлиш истагини билдиришган. Бу истакларнинг амалга ошмай қолиши натижасида биз йилига 400 миллион сўмга яқин пулдан маҳрум бўлмоқдамиз.

Меҳмондорчиликдан қочишимизга асосий сабаб — жойларнинг етишмаслиги. Мамлакатимизда «Интурист»нинг 100 дан зиёд меҳмонхонаси бор. Хитой Халқ Жумҳуриятининг пойтахти — Пекинда эса кейинги тўққиз йил мобайнида 116 та меҳмонхона қуриб ишга туширилган. Ёки Парижнинг биргина ноҳиясидаги меҳмонхоналар Москвадаги барча меҳмонхоналар сонидан ҳам кўп. Саёҳат ривожланган мамлакатларда меҳмонхоналар 5-6 йил ичида қуриш ва жиҳозлаш учун сарфланган харажатларни қоплаб, даромад манбаига айланади. Бизда эса меҳмонхоналар қуришга иштиёқ кам. Нега? Чунки туризм етарли даражада ривожлантирилмаган.

Хорижий мутахассисларнинг башоратларига қараганда, 2000 йилга келиб туризм жаҳон экспертида биринчи ўринга чиқар экан. Демак, туризм нефть ва автомобиль экспортидан ҳам ўзиб кетади.

Кўпгина мамлакатларда саёҳат ишончли даромад манбаига айланган. Мисол учун Испания шу соҳадан йилига 17 миллиард доллар фойда кўради. 40 миллион аҳолиси бўлмиш бу мамлакат йилига 50 миллиондан ортиқ саёҳатчиларни қабул қилади. Ёки бўлмасам, Франция ўтган йили саёҳатчиликдан 195 миллиард доллар фойда кўрди.

«Франция — Франция», «Париж — Париж-да» дегувчилар ҳам бўлиши мумкин. Тўғри, Лекин Ўзбекистон — Ўзбекистон-да! Ахир, Самарқанд, Бухоро, Хива обидалари, Фарғонанинг шарқироқ сойлари, Шоҳимардони— Ўзбекистон эмасми булар?

«Агар Регистон Парижда бўлганида мен ҳар куни уни зиёрат қилган бўлур эдим...» Бу сўзларни уч йил аввал Самарқандда парижлик Мере Жаклин айтганди. Кейинроқ худди шунга ўхшаш сўзларни польшалик ёшлардан ҳам эшитдик. Ҳали бошқалардан ҳам кўп маротаба эшитсак керак.

Демак, мамлакатимизга келиш истагини билдирган ўша 200 миллион хорижликнинг фақат бир қисми Ўрта Осиёни, жумладан, Ўзбекистонимизни бир кўриш иштиёқида бўлса ажаб эмас. Шунинг учун жумҳуриятимизда туризмни ривожлантиришга панжа орасидан қарамасдан, уни давлат миқёсидаги муаммо деб ҳисоблаш ва шунга қараб иш қилсак, бундан фақат ўзимиз наф кўрамиз. Халқимиз, ёшларимиз учун хорижий мамлакатларга саёҳатга бориш бугунгидай муаммо бўлмайди.

...Муаммолар гирдобига шўнғиб бироз чалғиган бўлсак, Сиз азиз муштарийлардан узр сўраймиз ва «Дилдан суҳбат»ни давом эттирамиз. Навбат яна савол-жавобларга.

— Алло, мен «Алгоритм» заводидан Маҳфуза АЗИМОВАман. Хорижий элга боришни орзу қиламан. Йўлланмани тўғри сизлардан олиш мумкинми?

— Маҳфузахон, синглим, йўлланмаларни биз комсомол қўмиталари орқали тарқатамиз. Сиз завод комсомол ташкилоти ёки ноҳия комсомол қўмитасидагиларга истагингизни айтинг. Иложи бўлса, албатта, ёрдам беришади.

— Алло, «Дилдан суҳбат»ми?

— Ҳа, шундай.

— Мен Тошкент шаҳар Фрунзе ноҳияси фуқаролик ҳолатларини қайд этиш бўлими (ЗАГС)да ишлайман. Исми-шарифим — Муҳаббат МИРКАРИМОВА.

— Жуда яхши. Эшитаман. Муҳаббатман.

— «Спутник» бюроси хорижий элга чиқмоқчи бўлган ёшларга қандай имтиёзлар бера олади? Бу биринчи саволим. Иккинчи саволим: сиз раҳбарлик қилаётган «Спутник» халқаро ёшлар саёҳат Ўзбекистон бюроси хорижий мамлакатлар билан мустақил равишда шартномалар тузадими ёки фақат Москва орқалими?

— Биринчи саволингизга жавоб шуки, чиндан ҳам аввааллари хорижга борадиган ёшларнинг 50 фоизини ишчилар, давлат ёки жамоа хўжаликларининг аъзолари ташкил этиши керак эди. Улар учун бу имтиёз эди.

Ҳозир бу режа ўз кучини йўқотган. Ҳозир барча ёшлар учун имкониятлар бирдай.

Иккинчи саволингиз жуда ўринли бўлди. Ҳозир «Спутник» халқаро ёшлар саёҳат бюроси хўжалик юритишнинг янгича иш усулига ўтмоқда. Буни «Спутник»нинг турли минтақалардаги бўлинмаларига катта мустақиллик берилиши деб тушуниш керак. Жумладан, бизнинг Ўзбекистон бюромиз ҳам мустақил равишда халқаро саёҳат алоқаларга чиқиш ҳуқуқига эга. Бу ёшлар сайру-саёҳатлари билан боғлиқ талай масалаларни мустақил равишда ҳал этишимиз мумкинлигини билдиради. Қисқаси, ҳали талай муаммоларимиз бўлишига қарамасдан имкониятларимиз тобора кенгайиб бормоқда.

«Спутник» йўлланмаси билан турмуш ўртоғим иккимиз хорижий эл сафарига борсак бўладими?». Мулоқот давомида ана шундай саволлар ҳам кўп бўлди.

— Сафарга эр-хотинлар ҳам боришса бўлади. Лекин «Спутник» йўлланмалари билан борадиганларга хориж меҳмонхоналарида келин-куёв учун битта хона ажратишмайди. Баъзан бу ерда «майли, алоҳида алоҳида тураверамиз» дейишадию, у ёққа боришганда битта хона беришларини талаб қилишади. Бундай мисоллар кўп бўлган. Шунинг учун гапнинг очиғи, келин-куёвларни бирга юборишга унчалик ҳам ишқибоз эмасмиз.

— Алло ЗАЙНИДДИНОВми?


— Ҳа, менман. Ўзингизчи?

— «Ленин учқуни» рўзномасида ишлайман. Исмим Санобар. Айтинг-чи, «Спутник»ка қандай қилиб раис бўлгансиз? Асли мутахассислигингиз қандай?

— Тошкент Давлат дорилфунунининг шарқшунослик куллиётини битирганман. Бошқа йигитлардай, армия хизматида бўлдим. 129-сон билим юртида ўқитувчи, комсомол қўмитасининг котиби бўлиб ишладим. Кейин Тошкент вилоят комсомол қўмитасининг «Спутник» халқаро ёшлар саёҳати бюросига ишга таклиф қилишди. Мана, бир неча йилдан бери жумҳурият «Спутник» бюросида ишлаб келаяпман.

Мулоқот учун ажратилган вақт ниҳоясига етди. Ҳабибулло Зайниддинов телефон орқали берилган барча саволларни, ёшларнинг талаб-истакларини ён дафтарчасига ёзиб олди. Яна у кўплаб шахсий саволларга ҳам жавоб берди. Ўзаро бўлганлиги учун биз уларни қоғозга туширмадик. Кўпчилик йигит-қизлар «Ҳиндистонга бормоқчиман» деган истак билдиришди. Ноумид шайтон. Омадларингизни берсин.

«Дилдан суҳбат»ни Ҳайдар АКБАР ёзиб олди.



ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

Телетайп лентасидан

РИМ. (СИТА мухбири Владимир Дрожжин). Совет Иттифоқи Президенти М. С. Горбачев мўъжиза кўрсатмоқда. У системанинг барча заиф нуқталарини мардона алмаштирди. У бу ишлар вужудга келтириши мумкин бўлган миллатчилик бесаранжомликлари ва иқтисодий тангликдан чўчимади. Европа ҳамжамияти ва энг ривожланган еттита капиталистик давлат уни қўллаб-қувватламоқда, лекин улар бундан ҳам кўпроқ иш қилишлари мумкин эди. Италия вазирлар Кенгаши Раиси Жулио Андриотти «Мессажеро» рўзномаси мухбири билан суҳбатда Европа ҳамжамияти, Италия ва АҚШ Совет раҳбарининг ташаббуси муваффақиятли давом этиши учун ҳамма нарсани қиляптими, деган саволга жавобан шундай деди.

Италия таниқли сиёсат арбобининг фикрича, икки Германиянинг келгусида бирлашиши ҳам СССРдаги қайта қуриш жараёнлари билан боғлиқдир.

НЬЮ-ЙОРК. (СИТА мухбири Юрий Кирильченко). Нью-Йоркдаги жамғарма биржасида душанба куни Доу-Жонс индексининг анча пасайиб кетиши қайд этилди, у 59,4 нуқтани ташкил этди. 30 та етакчи компания акцияларининг умумий курсини акс эттирадиган АҚШдаги амалий фаолликнинг бу кўрсаткичи ҳозир тахминан 2453 нуқтани ташкил этади — бу ўтган йилнинг июль ойидан буён энг паст кўрсаткичдир.

Мутахассислар Уолл-Стритдаги аввалги ларзаларни асосан Қўшма Штатлардаги иқтисодий ўсиш умумий суръатларининг сусайиши билан изоҳлаган бўлсалар, бу сафар бунинг сабаблари, биринчи навбатда, Ироқнинг Қувайтга бостириб кириши натижасида нефтнинг нархи кескин кўтарилиши билан боғланмоқда. Ироқ Президенти Саддам Ҳусайннинг Ироқнинг Саудия Арабистонидаги нефть конларига ҳужум қилиш эҳтимоли борлиги тўғрисидаги баёноти кейинги пайтда жаҳон нефть бозоридаги вазиятни кескинлаштириб юборди.

МАДРИД. (СИТА мухбири Роберт Серебренников). Испания ташқи ишлар вазири Франсиско Фернандес Ордоньес тез орада Ўрта денгизда хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашини ўтказишни ёқлаб гапирди.

У Пальмья-де-Мальоркада Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши жараёни доирасида ўтказилаётган Ўрта денгиздаги экология системалари муаммоларига доир кенгашда сўзга чиқиб, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши Шарқ-Ғарб кескинлигини юмшатишда қўлга киритган афзалликлар Ўрта денгизнинг ўзига хос шароитларида қўлланиши мумкин, деди. Бу жараённи йўлга қўйиш жуда қийин иш эканлигини таъкидлаб, Ордоньес бу муаммо юзасидан сусткашликка йўл қўйиш хавфли аҳволни вужудга келтиради, деган фикрни айтди.

ГАВАНА. (СИТА мухбири Николай Паска). Қўшилмаган давлатлар ҳукуматлараро комиссиясининг душанба куни Куба пойтахтида бўлиб ўтган ўн биринчи мажлисининг асосий мақсади ахборотни тарқатиш соҳасида тенгликка эришиш йўлида куч-ғайратларни бирлаштиришдан иборатдир. Комиссиянинг иши яқин орада шу ердаги Конгресслар саройида иш бошлайдиган ривожланаётган мамлакатлар ахборот вазирларининг учинчи конференцияси арафасида ўтмоқда.

Мажлиснинг очилишида сўзга чиққан Куба делегациясининг бошлиғи, Куба Компартияси Марказий Қўмитаси котибиятининг аъзоси Карлос Альдана ҳозирги учрашув «мураккаб ўзгаришлар вазиятида ўтаётганлигини, бунинг натижалари ва оқибатларини камбағал ва қолоқ мамлакатлар учун олдиндан айтиш қийинлигини» таъкидлади. Биз тарих чорраҳасида турибмиз, бу ривожланаётган давлатларни ўз манфаатларини излашда ақл-идрокли бўлишга ва ҳозирги ҳамда келажакдаги қийинчиликларни муносиб тарзда бартараф тишга мажбур қилади, деб таъкидлади у.

(СИТА).

ДЕПУТАТ ҚАМИДА УЧ ТИЛНИ БИЛИШИ КЕРАК

БЕРН. (СИТА). Швейцария парламентининг аъзолари парталарга ўтириб, чет тилларни ўрганиш билан жиддий шуғулланишларига тўғри келади. Ҳар ҳолда улар камида немис, француз ва итальян тилларини яхши билишлари керак. Рето-роман тили билан бир қаторда улар Швейцарияда расмий тил ҳисобланади. Давлат арбобларини ўқитишга тегишли маблағ ажратган мамлакат ҳукумати ана шундай қарорга келди.

Тилларни ўрганиш заруратини шу нарса тақозо этмоқдаки, Швейцария кўп тилли мамлакат бўлиб, парламент депутатлари қарор топган анъанага мувофиқ одатда она тилида сўзлайдилар. Лекин амалда парламент аъзоларининг ҳаммаси ҳам бир-бирини тушунавермайди. Уларнинг билимлари кўпинча ресторанда қовурилган картошкадан иборат машҳур миллий таом «Решти»ни буюриш билан чекланади (таомнинг немисча номи шундай), она тилидан бошқа тилларда гаплаша олмайдиган кишиларни ҳам «Решти» деб аташади.

Депутат камида уч тилни билиши керак, деб ҳисоблашади Швейцария социал-демократик партиясининг вакиллари. Тегишли таклифни шу партия вакиллари киритишди, уни ҳукумат қўллаб-қувватлади. Ўқитиш учун ажратилган давлат маблағи парламентнинг ҳар бир аъзоси хусусий муаллимда 20 соат дарс олиши учун етиши керак. Фақат ресторан хизматчилари билан муомала қилиш учун эмас, балки парламент ишида фаол иштирок этишга имкон берадиган даражада тилни ўрганиш учун 20 соатлик курс етарли деб ҳисобланмоқда.



Бағдод ва Ироқнинг шу каби бошқа шаҳарларида уюштирилган намойишлар бўлиб ўтмоқда. Улар «Америка ва унинг иттифоқчилари Ироққа қарши тайёрлаётган агрессияни, Ғарбнинг араб дунёсига зарба беришга уринишларини қораламоқдалар».

СУРАТДА: Америкага қарши Бағдодда ўтган намойиш қатнашчилари сафидан ўрин олган болалар.

Рейтер—СИТА сурати.

КАНАДА ОЛИМЛАРИНИНГ ХУЛОСАЛАРИ

ОТТАВА. (СИТА мухбири Валентин Василец). Саскачеван вилоятидаги дорилфунун тадқиқотчилари сигарета чекиш эркакларга нисбатан аёлларнинг ўпкасини кучлироқ ва тезроқ шикастлашини аниқладилар. Доктор Ю Чен Канада врачлари қироллик коллежининг йиллик йиғилишида ана шу хулосалар ҳақида ахборот бериб, аниқланган фактлар ташвиш туғдираётганлигини, чунки чекувчилар қаторига аёллар тобора кўпроқ қўшилаётганлигини айтди. Ўпканинг эмфизема, бронхит, рак каби касалликлари чекиш билан боғлиқлиги кўпдан маълум.

Тадқиқотчилар 25 ёшдан 59 ёшгача бўлган 1000 дан ортиқ эркак ва аёлни текшириш асосида шундай хулосага келдилар. Бундай текшириш Саскачеван вилоятининг қишлоқ ноҳияларидан бирида 1977 йилдаёқ бошланган эди.

Аёлларда ўпканинг шикастланиши жараёни нима учун тезроқ боришини мутахассислар ҳозирча изоҳлаб бера олмайдилар. Баъзи мутахассислар бунинг сабаби гармонал ёки генетик тусда бўлса керак, деб тахмин қилмоқдалар. Бошқалар эса аёллар ўпкасида ҳаво ўтадиган шохобчалар эркаклардагига нисбатан анча тор, шунинг учун ҳам ҳаво йўллари тезда тўсилиб қолади, деган фикрни айтмоқдалар.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

СОҒЛОМЛАШТИРИШ ПРОГРАММАСИ

● УМУММИЛЛИЙ тадқиқот натижаларидан сўнг АҚШнинг Уэллсберг шаҳри аҳолисига «Энг семиз шаҳарлардан бири» унвони берилгач, маҳаллий аҳоли жуда хафа бўлганди. Шу йилнинг май ойида тўрт минг киши яшовчи Уэллсбергни соғломлаштириш программаси ниҳоясига етди. Ушбу программа директори Билл Роджер мамнунлик билан «Биз АҚШдаги энг соғлом шаҳарлардан бирига айландик», — деди. Ҳисоб-китобларга кўра, аҳоли ўртача 2 килограммга озган. Бундай натижага, биринчи навбатда, кучли овқатлардан воз кечиб, фақат мева, сабзавот тановул қилиш ҳамда мунтазам жисмоний тарбия билан шуғулланиш туфайли эришилди.

СИРҒА ТАҚИҚЛАНДИ

● «ҚУЛОҚҚА сирға тақиб юриш балки денгиз қароқчилари, эстрада юлдузларига ярашар, бироқ Америка полициячисига мутлақо тўғри келмайди», — деган қарор чиқарди Чикагодаги аппелеция суди. Маълум бўлишича, икки миршаб — Гарри Зибок ва Марвин Рефорт хизмат чоғида сирға тақиб кўчага чиқишлари жамоатчиликни жунбушга келтирган. Шунинг учун суд эркак кишига ярашмайдиган бундай тақинчоқни мутлақо тақмаслик тўғрисида қатъий қарор чиқарди.

КОМЬЮТЕР-КЎЗ

● ЯПОН муҳандислари яратган янги қурилма поезд йўлларидаги турли кўнгилсиз ҳодисалар, тўқнашувлар олдини олишга жуда катта ёрдам беради. Қурилма инфрақизил нурда ишлайдиган камерадан иборат бўлиб, тунда ҳам кўриш имконини берибгина қолмай, йўлда турган 1 километр узоқликдаги одамлар, ҳайвонлар, машиналар, хуллас ҳарорати бўйича ҳаводан 0,15 даража фарқ қиладиган жамики нарса тасвирини локомотивнинг олдинги ойнасига чизади.

Муаллифлар фикрича, бу янгилик Япония темир йўлларидаги тўқнашувларга мутлақо барҳам беради. Ахир ҳозир мамлакат темир йўлларида йилига камида 200 га яқин фожиа рўй беради.

ТАНИШ—БИЛИШЧИЛИК...

У БИЗНИ ОЛДИНГА БОШЛАЙДИМИ, ЁКИ...

1

Турғунлик йилларидан бизга мерос бўлиб қолган порахўрлик иллати бугунги қайта қуриш ва ошкоралик даврида ҳам давом этаётганлиги кўпчиликка сир эмас. Айниқса, зиёлилар орасида бундай ҳолнинг учраб туриши миллий маънавиятимизга катта зарар келтирмоқда.

Мен бу билан Гдлян ва Иванов сингари кимсаларнинг ўзбеклар ҳаммаси порахўр деган фикрларини қўллаб-қувватламоқчи эмасман. Россиядан Ўзбекистонга поклик экспорт қилиняпти, деб марказий матбуот орқали бонг урган Черниченко кабиларнинг фикрларига мутлақо қўшилмайман. В. И. Лениннинг қуйидаги фикрлари ҳақиқатга қанчалик яқин эканлиги менга қоронғи, лекин у порахўрлик ўзбеклар иши, деб ўйлайдиганлар билиб қўйиши зарур бўлган мана бундай фикрни айтган эди:

«Фақат деҳқонларгина эмас, коммунистларнинг ҳам жуда кўп проценти қоғозбозликка, бюрократизмга ёки порахўрлик каби чинакам рус ҳодисасига қарши кураш тўғрисидаги совет қонунларидан фойдалана олмаяптилар»[1].

Порахўрлик жумҳуриятимизда ўтмишга нисбатан кейинги даврларда кескин авж олди. Лекин, менимча, бу ҳолат ўлкамизга порахўрлик иллати бошқа регионлардан экспорт қилинаётган экан, деган маънони англатмайди. Яъни, экспорт асосий сабаб эмас. Порахўрлик авж олиб боришининг асосий сабабларидан бири баъзи одамларнинг ислом динига эътиқоди заифлашиб бориши билан боғлиқдир. Ўтмишда ўзбекларда исломга эътиқод ҳозиргидан қанча ортиқ бўлса, порахўрлик шунчалик кам содир бўлган. Чунки, бу иллат исломда қаттиқ қораланган. «Пора берувчи ҳам, уни олувчи ҳам дўзахга маҳкумдир» дейилади ҳадисда.

Умуман олганда порахўрлик ўзбекларнинг азалий одати эмас. Лекин, таниш-билишлик, ошна-оғайнигарчилик, меҳмоннавозлик ўзбекларнинг азалий одати эканлиги инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқатдир. Бундай одатлар замирида одамларнинг бир-бирларига меҳр-оқибати, қўлидан келганича биродарига ёрдам қилиш учун, эзгулик учун интилиши ётади.

Матбуотда эълон қилинган қатор мақолаларда порахўрликни фақат қоралаш билан чекланиб қолинмоқда. Менимча, порахўрликни қоралаш учун мақола ёзиш шарт эмас. Чунки, унинг қоралиги шундоқ ҳам барчага маълум. Эндиликда бу ёмон иллатга қарши курашишда қўл келиши мумкин бўлган таклиф ва мулоҳазалар зарур.

Агар, мен билдирмоқчи бўлаётган таклиф-мулоҳазалар ҳаётга татбиқ этилса, олий ўқув юртларига қабул жараёнида порахўрлик кескин камайишига ишончим комил. Яъни, демоқчиманки, абитуриентлардан имтиҳон олиш даврида... таниш-билишликка маълум даражада йўл бериш керак. Токи, илтимосчилар бемалол ҳаракат қилишсин. Ана шунда бу соҳадаги порахўрликлар кескин камаяди.

Сезиб турибман, бу фикрларим ўқувчига мантиқсиз ёки ғалати ҳазил каби туюлаяпти. Лекин, бу гапларни олий ўқув юртининг доценти сифатида, ўн икки йиллик тажрибамга асосланиб, масалага жиддий ёндашган ҳолда ёзяпман.

Аслида биз таниш-билишчиликни тақиқлаб нимага эришдик? Таниш-билишлик камайдими? Аксинча, баттар авж олди!

Қуйида ўз таклифларим тўғрилигини баҳоли-қудрат исботлашга ҳаракат қиламан. Бунинг учун биринчи галда таниш-билишчилик ҳақидаги тушунча-тасаввуримизни тиниқлаштириб олишимиз керак бўлади.

Мен аввало таниш-билишчиликни мутлақо тан олмайдиган одамни дуруст одам деб ҳисобламайман. Бу фикрнинг исботи учун далилни узоқдан излашнинг ҳожати йўқ. Айтайлик, матбуотда йўллаган ушбу мақоламни кўздан кечираётган редакция ходими таниш-билишчиликка қарши murosasiz курашчи бўлсин. Майли, у ҳатто, таниш-билишчиликни қоралаб қатор асарлар ёзган ижодкор бўлсин. Барибир, шунда ҳам битта нарса аниқ. Агар унинг қўлига менинг мақолам билан олдин-кейин шу мавзуга оид яна бир мақола келиб тушса, бу мақоланинг савияси ҳам менинг мақолам даражасида бўлса ва бу мақола редакция ходимининг яқин дўстими, устозими, шогирдими ёки бирон қариндошинингми қаламига мансуб бўлса, турган гапки, менинг мақолам кейинга суриб қўйилади. Таниш-билишчиликка қарши ўт очиб юрган ўша редакция ходими биринчи галда ўз танишининг мақоласини босмага тайёрлайди ва менимча... у тўғри иш қилган бўлади.

Савол туғилиши мумкин. Агар таниши олиб келган материалнинг савияси менинг мақоламга нисбатан анча паст бўлса-ю, шунга қарамасдан муҳаррир танишига ён босса, бундай таниш-билишчиликни оқлаб бўладими? Энди, бундай ҳаракатнинг номи таниш-билишлик эмас, балки инсофсизлик, диёнатсизлик деб аталади. Таниш-билишлик билан диёнатсизлик бошқа-бошқа тушунчалар бўлишига қарамай, биз уларни битта қарич билан ўлчаб одатланганмиз.

Худди шунга ўхшаш, олий ўқув юртига кириш учун маълум ихтисослик бўйича битта ўринга, айтайлик, ўнта абитуриент ҳужжат топширган бўлсин. Одатда ана шу ўнтадан камида икки ва ундан ортиқ абитуриент шу куллиётга кириб ўқишга арзигулик билим-савияга эга бўлади. Лекин, имконият улардан фақат биттасини танлаб олишни тақозо этади.

Шубҳасиз, бундай ўринда имтиёз биринчи галда таниши бор абитурентга берилади. Менимча, бу бизнинг хоҳишимиздан ташқарида бўлган табиий ҳолдир.

Баъзан эса биладиган абитуриент қолиб, билмайдиганига имтиёз беріляпти. Юқорида айтилганидек, бу энди таниш-билишлик эмас, балки диёнатсизликдир. Ёки бошқача айтганда, таниш — абитуриентга қилинган душманликдир. Очиғини айтганда, мен ҳам ўз ҳаётимда ўзимнинг яқин қариндошимга нисбатан шундай душманликка йўл қўйганман. Уни беш йил «етаклаб» ўқитдим. Ўқишни битиргач, олти йил ўзини мажбурлаб, ўқиган соҳаси бўйича ишлади ва ниҳоят яқинда бу соҳани бутунлай тарк этди. Кеч бўлса ҳам, у ҳаётдаги ўз ўрнини энди топиб олди. Лекин, инсонга бир марта бериладиган умрнинг ўн бир йилини адашиб ўтказиш қанчалик даҳшат эканлиги менга ана шу онда янада чуқурроқ аён бўлди. Агар мен ўша вақтда таниш-билишликнинг ҳақиқий моҳиятини англаб етганимда, қариндошимга тўғри йўл-йўриқ кўрсатган ва бу билан унга чиндан ҳам таниш-билишлик қилган бўлардим.

2

Таниқли украин шоири Борис Олейник СССР Халқ депутатларининг I съездида юксак минбардан туриб: «Ким қандай тушунса тушунаверсин, Советлар Иттифоқи менинг ватаним эмас. Менинг ватаним — Украина, Совет Иттифоқи эса менинг буюк мамлакатимдир», деб айтди. Бунинг маъносини мен шундай тушунаман. Диёнат, инсоф ва адолатни қўлдан бермаган ҳолда биринчи галда қариндош-уруғларининг, таниш-билишларининг, ўз миллатининг, ўз диёрининг ва ниҳоят шуларнинг мажмуаси бўлмиш ўз ватанининг манфаатларини ҳимоя қила олмаган одам ҳеч қачон ўз мамлакатининг манфаатини ҳам дуруст ҳимоя қила олмайди.

Энди таниш-билишликка қисман йўл бериш орқали қандай қилиб порахўрликка қарши курашиш мумкин? Аксинча уларнинг бири иккинчисининг келиб чиқиши учун замин ҳозирламайдими? — деган савол туғилиши табиий. Бу саволга жавоб топиш учун олий ўқув юртларига қабул имтиҳонлари жараёни билан яқиндан танишишга тўғри келади. Масала ичдан ёритилмас экан, хулосалар одатдагидек кўр-кўрона ва аҳамиятсиз бўлиб қолаверади. Албатта, мен бу ўринда фақат ўзим хизмат қилаётган куллиёт мисолида, фақат ўз тасаввур ва хулосаларимга таянган ҳолда фикр юритиш имкониятига эгаман.

Кафолат бериб шуни дадил айта оламанки, куллиётимиз ўқитувчилари жумҳуриятимиз миқёсида энг адолатли, энг инсофли, энг диёнатли ўқитувчилар қаторида туради. Баъзи ўқув юртларида талабаларнинг синов дафтарчаси орасига пул қўйиб ўқитувчига узатишлари ёки староста ёрдамида ўқитувчига пул йиғиб беришлари ҳақидаги миш-мишларни эшитиб қоламиз. Тўғриси, бундай пасткашликларни менинг куллиётдошларим тасаввурларига сиғдира олишдан ожиздирлар.

Лекин мен мақтаётган ана шу куллиётда ҳам талабаларимизнинг тахминан 20—30 фоизи мазкур ихтисосликка адашиб кириб қолганликлари, кейинчалик маълум бўлиб қолади.

Масалан, мен ҳар йили 4-курс талабаларига иншо ёздираман. Уларнинг 20—30 фоизи иншодан ёмон баҳо олишади. Имоним комилки, шу куллиётда тўрт йилдан бери сабоқ олаётган «беш минути кам» олий маълумотли талабаларнинг маълум қисми абитуриентлар қаторида имтиҳонга қўйилса, биринчи курсга қабул қилинмай қолиб кетиши мумкин. Ҳамма гап шундаки, бу талабалар кимларнинг ёрдамида институтга кириб олганлиги кўпчилик учун сир бўлиб қолаверади. Нега?

Бу саволга жавоб топиш учун ҳам қабул имтиҳони жараёнидаги шароит билан яқиндан танишиш зарур. Одатда қабул имтиҳонларида аоссан ёш ва нисбатан ёшроқ ўқитувчилар ишлашади. Кўпчилик профессорлар бундай ишни ўзларига эп кўришмайди. Ёш ўқитувчилар эса имтиҳон қонун-қоидаларига хилоф иш қилишдан қанчалик қўрқсалар, ўзларидан катта авлод ўқитувчиларининг илтимосларини адо этолмай эътибордан қолишдан яна ҳам кўпроқ қўрқадилар.

Ҳар йили анъана бўйича имтиҳонлар бошланиши олдидан мажлис ўтказилади. Ҳеч қандай таниш-билишчиликка йўл қўймаслик ҳақида қатъий кўрсатмалар берилади. Имтиҳон олувчиларнинг ҳар бир босган қадамини «ўлчаб туриш» учун назоратчилар белгиланади.

Шундай қилиб, имтиҳон олувчи юз хил хавотир ва андиша билан ишга келади. Чунки, унинг чўнтагида ёки ёдида битта-иккита илтимоснома бор. Унинг ҳар бир ҳаракати эса қаттиқ назорат қилинмоқда. Шу пайт худди ана шу назоратчиларнинг аксарият қисми уни хилватга тортиб, қўлига янгидан-янги илтимосномалар тутқазадилар. Шу пайт имтиҳон жараёнини текшириш учун юқоридан комиссия келиб қолади. Имтиҳон олувчи бечора яна хавотирда. Лекин, буни қарангки, комиссия аъзоларидан бири унинг қўлига янги илтимоснома қистиради.

Кўриниб турибдики, имтиҳон олувчи ўзига яқиндан маълум бўлган ишончли битта-иккита танишининг илтимосини бажариш учун айнан таниш-билишлик тақиқланганлиги туфайли кўплаб бошқа, ўзи билмайдиган, замирида нималар ётганлигидан бехабар илтимосларни инобатга олишга мажбур.

Баъзилар имтиҳон олаётган ўқитувчи айнан шу имтиҳон қилинаётган абитуриентлардан баъзиларининг ота-оналари билан олдиндан келишиб қўйган бўлса керак, деб ўйлайдилар. Бундай бўлиши тасодифдан ташқари ҳолатда деярли мумкин эмас. Масалан, дейлик, имтиҳон олувчининг чўнтагида турли группаларга оид тўртта илтимоснома бор. Ҳар куни ўндан зиёд группа имтиҳон топшириши керак. Қайси ўқитувчи қайси группадан имтиҳон олиши қуръа ташлангандан кейингина маълум бўлади.

Шундай экан, имтиҳон олувчи ўқитувчи ўз чўнтагидаги илтимосномаларни ишга киришишдан аввал ўқитувчилар йиғиладиган хонада яширин, баъзан ошкора ўртага ташлашга мажбур. Илтимосномада абитуриентнинг фамилияси имтиҳон варақасининг тартиб номери ҳамда илтимос қилувчининг исми-шарифи ёзилган бўлади. Акс ҳолда илтимоснома қабул қилинмайди.

Демак, яширин ёки ошкора ҳолатда барча илтимосномалар ўртага ташланади ва улар аралаш-қуралаш бўлиб кетади. Кўпинча вақт тиғиз бўлганлиги сабабли илтимос қоғозидаги фамилиялар тушириб қолдирилиб, фақат уларнинг тартиб номерлари рўйхатга олинади. Бу рўйхат кўчма маънода «умумий дастурхон» деб аталади.

Камдан-кам ҳолларда имконият туғилиб қолса, илтимос эгалари кимлар ва улар қандай одам эканликлари қисқа лаҳзаларда шошилинч муҳокама қилинади. Адолатпарварроқ ўқитувчи маълум фан бўйича имтиҳонга раҳбарлик қилаётган бўлса, битта ўқитувчидан бир йилда биттадан ортиқ илтимоснома инобатга олинишига йўл қўйилмайди. Баъзи шубҳали илтимосномалар ёки обрўсини йўқотган ўқитувчиларнинг илтимос қоғозлари шу ернинг ўзида йиртиб ташланади. Кўпинча илтимосларнинг умумий миқдори куллиёт учун ажратилган ўринларнинг тўртдан бир қисмидан ортиб кетмаслигига алоҳида эътибор берилади. Бу деган сўз, таҳсил олаётган талабаларимизнинг тахминан ҳар тўрттадан учтаси излаган ҳақиқатини бизнинг куллиётимиздан топа олган талабалардир. Очиғини айтганда, кўплаб ўқув юртларидаги адолат бу даражада эмас. Шундан кейингина илтимосномалар группаларга ажратилиб, имтиҳон бўлаётган хоналарга етказилади. Бу ишда асосан назоратчилардан, ёки бошқа воситалардан фойдаланилади.

3

Кўриниб турибдики, ҳар бир имтиҳон олувчи олиб келган илтимосномалар асосан бошқа хоналарга бўлиниб кетгани ҳолда у ўзига алоқаси бўлмаган, кўп ҳолларда ўзи танимаган ва билмаган одамларнинг илтимосини бажаради. Илтимосларнинг қай даражада ҳисобга олиниши биринчи галда имтиҳон олувчининг феъл-атворига, илтимосчига муносабатига, абитуриентнинг билимига ва имтиҳон олинаётган вақтдаги вазиятга боғлиқ бўлади. Номи илтимосчилар рўйхатига тиркалган баъзи абитуриентлар имтиҳон олувчига рўпарасида гўё порахўр одам ўтиргандек муносабатда бўлишади. «Оладиганингизни олгансизку, қўйилиши лозим бўлган баҳо ҳам аввалдан белгилаб қўйилганку, нима қиласиз, гапни айлантириб» деган ўйлар дилидан ўтаётганлиги уларнинг кўз қарашларидан шундоққина сезилиб туради. Аслида, имтиҳон олаётган ўқитувчи на пора олувчини, на пора берувчини танимайди. Бундай ҳолда ўқитувчининг озгина орияти бўлса, кимга тааллуқли эканлигидан қатъи назар ўша абитуриентга «2» баҳо қўйиб, уни хонадан ҳайдаб чиқаради. Бунга ўхшаш ҳодисалар имтиҳон жараёнида тез-тез содир бўлиб туради.

Пора олган доғулининг бор-йўқ хизмати нари борса икки энлик илтимоснома ёзиб, кимларнингдир ёрдамида уни имтиҳон олувчиларнинг «умумий дастурхонига» етказишдангина иборат эканлигини бечора абитуриент қаёқдан билсин.

«Амирнинг совға олиши ҳаром ва қозининг пора олиши динсизликдир»[2] дейилади ҳадисда. Имтиҳон олувчининг фаолияти кўп жиҳатдан ўқитувчиликка эмас, балки қозиликка даҳлдордир. Чунки у имтиҳон вақтида дарс бермайди, балки ўқишга киришга даъвогар абитуриентлардан қайсиларининг танлаб олинишига қозилик қилади. Умуман, куллиётимиз ўқитувчилари пул аралашганлиги ҳақида озгина шубҳа пайдо бўлган илтимосларни бажаришдан ҳазар қилишганига кўп марта гувоҳ бўлганман.

Хуллас, қабул имтиҳонларининг боришига оид қисқача умумлашган лавҳа мана шулардан иборат.

Қабул имтиҳонлари тугагандан кейин турли миш-мишалар бўлиб ўтиши ҳам анъана тусини олган. Кимдир кимдандир хафа бўлади, кимдир кимдандир хижолат бўлади.

Мана бундай суҳбатлар ҳам тез-тез қулоққа чалиниб туради:

«Битта абитуриентга ёрдам бериш кераклиги ҳақида илтимос қилган экансиз. Ўша группадан имтиҳон олиш менинг чекимга тушди. Илтимосингизни қойилмақом қилиб бажардик.

— Вой... вой... войй?? Нималар деяпсиз? Мен ҳеч қандай илтимоснома йўллаган эмасман. Оббо ярамас, доғули, ифлослар-эй, Оббо лўттибозлар-эй. Менинг номимдан иш кўришибди-да, а?!»

Абитуриентга ёрдам берган ўқитувчи ҳайрон. Ҳатто, дўстим тулкилик қилмаяптимикин, деган гумон ҳам хаёлига шарпа ташлайди. Бундай лўттибозликларнинг замирида эса кўп ҳолларда пора ётади. Ўша абитуриентга тааллуқли илтимосномани умумий дастурхонга ким олиб келиб қўшганлигини ҳам ҳеч ким эсломайди. Натижада қанчадан қанча пок виждонли ўқитувчиларнинг шаънига бўлмағур гаплар тарқалади. Баъзиларнинг назарида олий ўқув юртлари «бир гуруҳ порахўрлар маконига» айланади.

Куллиётдаги талабаларнинг 20 — 30 фоизи адашиб кириб қолган талабалар эканлиги ҳақиқат. Лекин уларнинг орқасида кимлар турибди, буни кўпчилик билмайди ва билиши мумкин ҳам эмас. Чунки, улар қанчадан-қанча таъқиқланган довонлардан ошиб ўта олган «қаҳрамонлар»дир.

Агар астойдил изланса лар, бу «қаҳрамонлар»ни фақатгина билибми, билмайми, уларга хизмат қилган ўқитувчиларгина фош этишлари мумкин. Лекин, бу ўз-ўзини фош этиш демакдир. Шундай қилиб, ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолаверади.

Ўтмишда савдогар деганда одамларнинг кўз олдида асосан обрў-эътиборли, тадбиркор, мулоҳазали, мард ва саховатли кишилар гавдаланар эди. Ҳозир эса савдогар деганда кўз олдимизга хасис, бир чўқиб ўн қарайдиган туллак, инсоф ва диёнатини йўқотган одамлар келади. Менимча, бунинг сабаби шундаки, бизнинг тузумимизда савдогарчилик жиноят деб эълон қилинди, тақиқланди. Лекин, бу билан савдогарчилик йўқолиб кетмади. Аввалги диёнатли савдогарларнинг ўрнига тақиқланган майдонларда иш кўришга мослашган устаси фаранг одамлар гуруҳи пайдо бўла бошлади. Ахир, «ўтган кунлар» романининг бош қаҳрамони савдогар Отабекнинг бугунги бизнинг шароитда фаолият кўрсата олишини тасаввур қила оласизми?

Худди шунингдек, таниш-билишчилик тақиқланиши билан у йўқолиб кетмади. Аксинча, унинг ўрнига тақиқланган шароитда иш кўришга мослашган имтиҳон олувчилар гуруҳи пайдо бўлди. Битта танишингга ёрдам бердингми, бас, сен тақиқланган ишга қўл урдинг. Сирим очилмасин десанг энди қатор назоратчиларнинг, текширувчиларнинг, раҳбарларнинг танишларига ҳам ёрдам беришга мажбурсан. Шу тариқа, тақиқлашлар туфайли таниш-билишчилик камаймади, аксинча авж олди. Бунинг устига таниш-билишчилик ниқоби остида порахўрликнинг томир ёйишига кенг йўл очилди.

Борди-ю, таниш-билишчиликка қисман йўл берилса, аввало буни қандай амалга ошириш керак ва бу тадбир кейинчалик қандай натижалар бериши мумкин?

Биз таниш-билишчиликка йўл бериш ҳақида фикр юритганимизда доимо «қисман» деган сўзга урғу бериб келдик.

Буни «инсоф билан» деб ҳам тушуниш мумкин. Яъни, таниш билишчиликка шу даражада инсоф билан йўл қўйиш кераккки, у таниши йўқ, ўзига ишонган абитурентларнинг йўлини тўсиб қўймасин. Юқорида айтиб ўтганимиздек, таниш-билишчилик ўрнини диёнатсизлик эгаллаб олмасин. Бунинг учун, масалан, ҳар бир ўқитувчига ўзи хизмат қиладиган куллиётга ўқишга кираётган битта абитуриентга таниш-билишчилик қилиш ҳуқуқи берилсин. Лозим бўлса, деканат илтимосчи ўқитувчиларнинг илтимосларини рўйхатдан ўтказиб, кўрсатилган абитуриент агар ишончни оқлайдиган даражада бўлса, уни қўллаб юбориш кераклиги ҳақида имтиҳон олувчига кўрсатма берсин. Лекин, битта шарт билан. Бу шарт шундан иборатки, илтимос қилувчининг исми-шарифи илтимос қилинган талабанинг синов дафтарчасига ёзиб қўйилсин. Масалан, бу дафтарчага «мазкур талаба фалончи фалончиевнинг тавсиясига кўра ўқишга қабул қилинган» деб ёзиб қўйиш мумкин.

4

Агар шундай йўл тутилса, БИРИНЧИДАН, таниш-билишчилик кескин камаяди. Чунки, назоратчи, текширувчи ниқоби остидаги илтимосчиларнинг йўли тўсилади. Ундан ташқари, ҳамма ўқитувчилар ҳам ҳар йили илтимос қилавермайди.

ИККИНЧИДАН, таниш-билишчилик пардаси ортида келган порахўрнинг ниқоби йиртилади. Кимдир яшириниб келиб илтимос қиляптими, демак, имтиҳон олаётган ўқитувчи биладики, бу илтимоснинг замирида қандайдир нопоклик бор.

Агар имтиҳон олувчи ўзини пок виждон соҳиби деб билса, бундай илтимосчиларга: «Ошинг ҳалол бўлса, кўчада ич» деганлар. Илтимослар деканат орқали қабул қилинишини билмайсизми?» — деб жўнатиб юборади. Яна, порахўр, лўттибоз кимсалар бировларнинг номидан иш кўролмайдиган бўладилар. Чунки, имтиҳонда илтимосчиларнинг тасодифий рўйхатларини «дастурхон»га жамлашнинг ҳожати бўлмайди.

Тўғри, бундай тадбирларни амалга ошириш билан порахўрлик бутунлай барҳам топмайди. Балки, таниш-билишчилик ниқоби остидаги порахўрликнинг йўқолиши ҳисобига, шунингдек виждонли ўқитувчиларнинг тасодифан бундай ишларга аралашиб қолмасликлари ҳисобига у кескин камаяди. Порахўрликка янада кўпроқ барҳам бериш учун талабанинг синов дафтарчасига институтга киришда ундан имтиҳон қабул қилган ўқитувчиларнинг исми-шарифларини қайд этиб қўйиш ҳам яхши натижалар бериши мумкин.

УЧИНЧИДАН, қабулни биз айтган тартибда ўтказиш орқали куллиётда тасодифий, адашиб кириб қолган талабаларнинг барҳам топишига эришиш мумкин. Чунки, йўл қўйилган таниш-билишлик доирасида илтимос билан деканатга мурожаат қилган ўқитувчи шу куллиётга лаёқатсиз абитуриентнинг синов дафтарчасига ўз исми-шарифи ёзиб қўйилишига рози бўлолмайди. Сабаби аён. Бундай талаба ўқишни битиргунга қадар «эгангга ўхшамай ўлгур» қабилидаги сўзларни кўп эшитиши, «эгаси»нинг ҳам очиқ фирқа мажлисларида куллиёт кенгашларида шаддот ўқитувчилар томонидан боши эгиб қўйилиши мумкин бўлади.

Худди ана шу андиша қайсидир порахўр билан ҳамтовоқлик қилишга мойил бўлган баъзи имтиҳон олувчиларнинг ҳам кўзини очиб қўяди.

Жумҳуриятимизда кўплаб дарёларимиз ва ягона денгизимиз эгасиз қолиб қуриётгани каби, ерларимиз эгасиз қолиб заҳарлангани каби олий ўқув юртларида ҳам эгаси номаълум талабалар гуруҳи пайдо бўлиб, улар ўқиш-ўқитиш ишларига путур етказмоқда. Бизнинг таклифларимиз амалга ошса бундай эгасизлик барҳам топади. Исталган вақтда мазкур ихтисосликка лаёқатсиз талабанинг ҳам, шу куллиётнинг фахри бўлган ажойиб талабаларнинг ҳам синов дафтарчаларини очиб, улардан кимлар имтиҳон олганлигини, уларни кимлар «етаклаб келганлигини» билиш мумкин бўлади. Маълум маънода эгасизлик барҳам топади.

Албатта, бу таклифларни турғунлик йилларида амалга ошириб бўлмасди. Амалга ошган тақдирда ҳам жамиятимиз учун унинг фойдасидан кўра зарари кўпроқ тегарди. Чунки, юқорига сажда қилиш кайфияти ҳукмрон бўлган шароитда юқорироқ лавозимдаги одамнинг тавсияси билан ўқиётган талаба кўпчиликнинг эркасига айланиб қоларди. Эндиликда замон ўзгаряпти. Ошкоралик тантана қиляпти. Ким қандай лавозимда бўлишидан қатъи назар йиғилишларда унинг ютуқ ва камчилклари рўйи-рост айтиляпти.

Шундай экан, агар бизнинг таклифларимиз амалга ошса, олий ўқув юрти профессор-ўқитувчиларининг обрў-эътибори бир жиҳатдан у куллиётга олиб келган толибу талабаларнинг савиясига, фанларни ўзлаштира олиш ва илмий мусобақаларда куллиёт шаънини қай даражада ҳимоя қила олишига боғлиқ бўлиб қолади. Демак, олий ўқув юрти ўқитувчилари орасида ўзларига таниш муҳитдан келажакда ишончни оқлайдиган шогирд излаш анъанаси авж олади.

Қабул имтиҳони деганлари ўта шартли тушунчадир. Бизнинг имтиҳон тартибларимизда абитуриентлардан биринчи галда савия эмас, билимдонлик эмас, мустақил ва ижодий фикр ҳам эмас, балки эпчиллик талаб қилинади. Масалан, абитуриентларга иншо ёздириш шароитини бир кўз олдингизга келтиринг. Ахир, иншо — ижодий иш. Унинг қандай ёзилиши кўп жиҳатдан абитуриентнинг кайфиятига ва илҳомига боғлиқ. Менинг ишончим комилки, абитуриентларга иншо ёздирилаётган шароитдаги аудиторияга инжиқ табиатли ҳассос ёзувчиларни тўлдириб, улардан ўша муддатда, ўша ҳажмда иншо ёзиб топшириш талаб қилинса, илҳоми келмаган анча-мунча ёзувчилар бу имтиҳондан «йиқиладилар».

Олий ўқув юрти ўқитувчиси ўзига таниш муҳитдан шогирд танлаганда албатта уни ўзича имтиҳон қилиб кўради. Бу имтиҳон кўр-кўрона ва шартли синаш бўлмай, балки бўлажак талабани ҳар томонлама ўрганиш орқали, қатор суҳбат ва мунозаралар, мушоҳада юритишлар орқали амалга ошади.

Шундай қилиб, биз таниш-билишчилик деганимиз аста-секинлик билан қадимий шарқона устозлик ва шогирдлик анъаналарининг тикланиб бориши учун замин яратади.

Абдулла АБДУРАЗЗОҚОВ,
педагогика фанлари номзоди, доцент.

---

1 В. И. Ленин, ТАТ, 4-том, 196-бет (бешинчи нашри).

2. Қаранг. Ҳадис. «Фан ва турмуш» ойномаси, 1-сон, 1990 йил, 22-бет.

Иттифоқ бўйлаб



Давр Москванинг нафақат қиёфасини, балки унинг эски кўчалари номларини ҳам ўзгартириб юборди. Яқинда пойтахт Шўроси президиуми Горький кўчасининг номини илгариги аслига қайтарди. Кўча Тверская деб атала бошланди. Москваликлар бу қарорни мамнуният билан кутиб олдилар. Чунки Шўро қабул қилган қарор ортида уларнинг кўпдан-кўп таклиф-истаклари ётади.

Бундан ташқари Москва Шўроси яна бир қанча тарихий номларни аслига қайтариш арафасида турибди. Янги йилнинг 1 январидан бошлаб қарорлар кучга киради. Ҳозир эса тайёргарлик ишлари ниҳоясига етказилмоқда.

СУРАТДА: (чапда) Тверская кўчасидаги Совет майдонида.

* * *

Ленинград шаҳар Шўросининг саноат бўйича депутатлар комиссияси меҳнат биржасини тузишга қарор қилди. Ҳозирнинг ўзидаёқ Ленинград вилоят ва шаҳар ижроқўмларининг меҳнат ва ижтимоий масалалар бошқармаси меҳнат биржалари фаолиятининг бир қисмини ўз зиммасига олди. Унинг таркибида аҳолини ишга жойлаштириш, қайта ўқитиш ва касбга йўналтириш маркази фаолият кўрсатмоқда. Тажрибали мутахассислар, муҳтож кишиларни жойларда иш билан таъминлаш билан машғулдирлар.



СУРАТДА: Нева бўйидаги шаҳарнинг Ленин ноҳияси аҳолини ишга жойлаштириш, қайта ўқитиш ва касбга йўналтириш марказининг бўлимида.

СИТА мухбирлари олган суратлар.

ЯНГИ УЮШМА

Москвада СССР Ёш журналистлар уюшмаси тузилди. Мухбиримиз Уюшма Президенти И. А. ГОРБУЛИНА билан суҳбатлашиб қайтди.

— Ирина Алексеевна, ҳозир керакли, кераксиз уюшмалар жуда кўп. Бу уюшманинг тузилишидан бирор наф борми? У навбатдаги маҳкамачи ташкилотга айланиб қолмасмикин?

— Иккинчи саволингизга жавоб беришдан бошласам. Маҳкамачи ташкилотга айланиб қолганда бўлса, уни тузмаган маъқул эди. Чунки ҳозир ҳар бир киши нега қараб беради. Уларга нафинг тегмаса — инқирозга учрашинг тайин. Бу эса ўзингни шармандаю шармисор қилиш деган гап.

Ишга биз жиддий киришдик, ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрдик. Дастлаб, қийинчиликлар кўп бўлди. Зўрға ташкилий кўмита тузишга эришдик. Ниҳоят мамлакатимизнинг турли бурчакларидан келишган эди. Ғоҳида ўз ҳисобимиздан кун кечиришга тўғри келди. Ётоқхона муаммоси ҳам бизни анча сарсон қилди.

Мен Жанубий Сахалинданман. Ўйлаб кўринг, мамлакатнинг бир чеккаси, Москва қаёқда-ю Жанубий Сахалин қаерда? Бориш-келиш, ҳар хил изтироблар, уйдаги, ишхонадаги кўнгилсизликлар. Бунинг устига аёл киши эмасманми, руҳан тушган пайтларим ҳам кўп бўлди. Лекин дўстларга раҳмат. Улар менга ўз вақтида далда беришди.

— Улар билан қандай танишиб қолгандингиз?

— Биз, бир гуруҳ журналистлар, ўтган йили Москва Ёшлар олий даргоҳида малака оширишда бўлгандик. Ўшанда нуқул ўз ишимиз хусусида гаплашдик. Ҳаммамизнинг дардимиз бир эди. Ҳар хил таклифлар бўлди. Лекин бундан ҳеч ким қониқмади. Кейин тушундикки, ёш журналистларнинг мустаҳкам суянчиғи, қалъаси бўлмаса, ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Мана шундай ташаббус билан иш бошладик.

Энди «Бу уюшмани тузишдан бирор наф борми?» деган саволингизга келсак. Ҳаммага аёнки, ҳамон мамлакатимиз журналистларининг иқтисодий аҳволи, турмуш кечириши жуда паст даражада. Уларнинг жуда кўплари ҳали ҳам ўз бошпаналарига эга эмас. Иш қуроллари ҳам айтмай қўя қолай. Диктафон, дисплей, компьютер, ҳаво симлари, енгил машина — улар учун ҳамон орзу, ҳамон қоғозда қўл етмас хазина...

— Ирина Алексеевна, демак тушунишимча, уюшма ёш журналистларни техник қуроллар билан таъминлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бу қандай амалга оширилади?

— Биз Иттифоқ ва чет эл рўзнома, ойномалари билан шартнома асосида алоқа боғлаймиз. Савдо-сотиқ ишларини ҳам ташкил этамиз. Ўз жамғарма фондимиз бўлади. Қисман шу ҳисобдан ҳамда ўз нархида техник қуроллари етказиб берамиз.

— Матбуот қонуни кучга кирганидан кейин ёш журналистларнинг қалам тебратишлари ҳисоб-китобли бўлиб қолди. Танг ҳолатда қолганларга уюшма қандай ёрдам кўрсатиши мумкин?

— Бундай вазиятларда уюшма уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни бўйнига олади. Айниқса, юридик жиҳатдан ҳимоя этиш биринчи галдаги вазифамиз бўлиб қолади.

— Сир эмас, биз журналистларнинг иши чекланган. Мен жумҳуриятимиз ёш ижодкорлари мисолида гапираяпман. Масалан, нимсан йирик бир жумҳурият рўзномасида меҳнат қиламиз, лекин чет элларда махсус мухбирларимиз йўқ. Рўзнома, ойномаларимиз Совет Иттифоқи Телеграф Агентлиги ёки Марказий матбуот нашрларининг чет эл тўғрисидаги мақола ва хабарлари билан чекланади. Хуллас, демоқчиманки, тор доирада ўралашиб қолаяпмиз.

— Нимага шама қилаётганингизни тушундим. Кўпни кўрган кўп билади, дейишади. Рост гап. Чет эллар билан алоқа ўрнатмас эканмиз узоққа боролмаймиз. Ёлғиз отнинг чанги чиқмаган ва чиқмайди-ям. Гапим қуруқ бўлиб қолмаслиги учун дастуримизда бу тўғрида нималар битилгани хусусида гапирсам. Унда шундай дейилган: «Чет эл журналистлар уюшмалари билан алоқа ўрнатиш; чет эл оммавий ахборот нашрлари билан хабарлар алмашиш; шартнома асосида ёш журналистларни чет элга малака оширишга ва шартнома асосида ишга юбориш; чет эл ва СССР журналистларининг ижодий сафарларини ташкил этиш ва ҳоказо».

Булар шунчаки гап эмас. Ҳозирнинг ўзидаёқ биз чет эл матбуот ва журналистлари уюшмалари билан шартнома имзолашга киришаяпмиз.

— Уюшмага кимлар аъзо бўла олиши мумкин?

— Рўзнома, ойнома, нашриёт ва улар билан ҳамкорлик қилаётган барча ижодкорлар уюшманинг аъзоси бўла оладилар.

— Аъзоликка қабул қилиш тартиби қандай? Бадал ҳам тўланадими, тўланса қанча?

— Уюшма президентлик Кенгаши номига ариза ёзилади. Бадал эса бир йилда — 24 сўм. Шуни таъкидлаш керакки, уюшманинг биринчи конференциясида шу кундаги қийинчиликлар ҳисобга олиниб, то келгуси йил, яъни уюшманинг биринчи съезди ўтгунга қадар аъзолардан бадал олмасликка қарор қилинди. Мана шу кичик қарордан ҳам билиш мумкинки, уюшма ёш журналистларнинг аҳволини, туриш-турмушини ҳамиша ҳисобга олган ҳолда иш тутади.

— Бошқа жумҳуриятларда ҳам уюшманинг бўлимлари бўладими?

— Албатта. Бу дастуримизда алоҳида таъкидланган. Ҳозирнинг ўзида етти жумҳуриятда уюшманинг бўлимлари ташкил этилди.

— Уюшманинг нашри ҳам бўлса керак, деб ўйлайман?

— Бунингсиз ишни ташкил этиш мумкин эмас. Ҳозир кўзда тутилаётганидек, уюшманинг ҳафталик рўзномаси ва ойномаси бўлади.

— Ҳозир қоғоз жуда тақчил. Бу томондан қийналмайсизларми?

— Йўқ. Бу муаммони тўлиқ ҳал этганмиз.

— Яъни қандай? Айта оласизми?

— Ҳозирча бу сир!

— Уюшманинг жамғармаси нималарга сарфланади?

— Биринчи навбатда, ёш журналистларнинг моддий аҳволини яхшилашга. Уларга техник воситалар ажратиш учун ва яна, энг муҳими, ҳаммага маълумки, ногирон бўлиб қолган журналистларга ёрдам кўрсатиш қониқарли аҳволда эмас. Бир қисм маблағ улар учун ҳам ажратилади.

— Буларнинг ҳаммасини рўёбга чиқаришга кўзингиз етадими?

— Бу ҳақда юқорида айтдим, яна таъкидлайман: бунда савол қатъий. Жавоб бериш учун етти карра эмас, етмиш карра ўйлаганман.

— Унда сизга омад ёр бўлсин.

— Сизларга ҳам!

Тўлқин ҲАЙИТ, суҳбатлашди.



Самарқанддаги тинчлик ўйинчоқлари ҳафталиги ташкилотчилари: вилоят тинчликни ҳимоя қилиш қўмитаси, тинчлик ва бирдамлик музейи маълумотларига қараганда — бугун совет болалари қўлида 247.385.613 танк, тайёра, пушка, ракета, автомат ва бошқа кўпгина ўйинчоқ қуроллар бор.

Кичкинтой самарқандликлар жаҳон болаларига қуролсизланишни таклиф қилмоқдалар.

Ҳафта давомида самарқандликлар юзлаб ҳар хил «қурол»ларини тинчлик ўйинчоқлари ва совғалари, Токио «Перестройка» аёллар демократик клуб аъзолари томонидан жўнатилган «Тинчлик кабутар»ларига алмашдилар.

Суратда М. Горький номли маданият ва истироҳат боғида ўтказилган «қуролсизланиш» ҳафталигидан бир лавҳа.

(ЎзТАГ суратхроникаси).

Диққат, конкурс!

БИР СЎМГА... ЧЕТ ЭЛГА

БОРГИНГИЗ КЕЛСА, КОНКУРСДА ҚАТНАШИНГ

Яқиндагина Италияда ўтган жаҳон чемпионатини мамлакатимиз футбол мухлислари ҳамон алам билан эслашмоқда. СССР терма командаси яна инқирозга учради, орзуларимиз яна ушалмай қолди.

Олдинда эса янги синовлар; ишқибозлар Анатолий Бишовец раҳбарлигидаги терма команда ўйинларини ҳаяжон билан кузатишяпти, 3 ноябрь куни бошланадиган Европа чемпионатининг саралаш ўйинларини сабрсизлик билан кутишяпти.

«Ёш ленинчи», «Ўзбекистон физкультурачиси» — «Физкультурник Узбекистана» рўзномалари Марғилон шаҳар комсомол қўмитасининг «Ишонч» ёшлар илмий-техника ижодкорлиги маркази билан ҳамкорликда Европа чемпионатига бағишланган футбол конкурсини ўтказишга қарор қилди. Конкурс жюриси ҳайъати қуйидаги саволларни сизларга ҳавола этади:

1. Европа чемпионатининг 3 ноябрь куни бўладиган Италия — СССР командалари саралаш ўйини қандай ҳисоб билан тугайди? ______

2. Футболчиларимиздан ким биринчи бўлиб Италия дарвозасига тўп киритади? ______

3. «Пахтакор» командаси бу йил биринчи лига мамлакат чемпионатида нечанчи ўринни эгаллайди ва қанча очко тўплайди? ______

4. Биринчи лигада дастлабки уч ўринни қайси командалар эгаллайди? Қайси команда тўртинчи ўринни олади ва олий лигада охирги ўринни эгаллайдиган командани айтинг. Булар ўртасидаги «ўтиш» ўйини қандай ҳисоб билан якунланади? ______

5. Иккинчи лиганинг шарқий зонасидаги қайси командалар биринчи лигага йўлланма олади? ______

Конкурс шартига кўра саволларга жавобларни рўзномадаги жадвалга ёки ўзингиз алоҳида варақага ёзиб юборишингиз мумкин.

Жавобларни чекланмаган кўринишда (вариантда) юбориш мумкин. Фақат ҳар бир кўринишдаги жавоб учун почта орқали бир сўмдан қуйидаги манзилгоҳга юбориш шарт: Тошкент ҳисоб счёти: 000609013 Киров ноҳияси турар жой ижтимоий банки — МФО — 734321.

ИЗОҲ: дейлик саволларга беш хил кўринишда жавоб ёзаяпсиз, демак алоқа бўлими орқали 5 сўм, 10 хил кўринишдаги жавобга 10 сўм тўланади. Жавобларни тўлов квитанцияси билан биргаликда редакциямизга юборишингизни ва конверт устига «Конкурс-90» деб ёзиб қўйишни унутманг.

Саволларга тўлиқ, тўғри жавоб топганлар учун иккита пул мукофоти — ҳар бири **1000 сўмдан;**

Жавоб тўлиқлиги бўйича иккинчи ўринни олганларга тўртта мукофот — **500 сўмдан;**

Учинчи натижалар учун бешта мукофот — 200 сўмдан ҳамда халқаро ёшлар лагерига иккита бепул йўлланма.

Энг кўп жавоб вариантини тўлдирган ашаддий футбол ишқибозига хорижга бепул йўлланма берилади.

Биринчи ва иккинчи ўринларга даъвогарлар натижалари бир хил бўлиб қолган тақдирда пул мукофотлари улар ўртасида тақсимланади.

Ёшлар халқаро лагерлари ва хорижга йўлланмаларга ҳам даъвогарлар кўпайиб кетса-чи? Унда даъвогарларнинг ўзлари ва конкурс жюриси ҳайъати аъзолари иштирокида қуръа ташлаш йўли билан ғолиблар аниқланади.

Шундай қилиб конкурсимизда иштирок этувчи футбол билағонларига омад тилаймиз. Жавобларни қуйидаги манзилгоҳга жўнатинг:

Тошкент шаҳри, 700029, В. И. Ленин номли майдон, «Ўзбекистон физкультурачиси» ва «Физкультурник Узбекистана» таҳририяти ёки Тошкент шаҳри Ленинград кўчаси, 32, «Ёш ленинчи» рўзномаси таҳририяти.

Тушган маблағлар ёшларнинг илмий-техника ижодкорлиги ҳамда болалар ва ўсмирлар спорт мактабларини ривожлантиришга сарфланади, бир қисми конкурс ташкилотчилари ҳисобида қолади.

Саволлар билан қуйидаги телефон номерларига қўнғироқ қилишингиз мумкин: **39-43-75, 39-43-20.**

«Ёш ленинчи». 32-55-81, 33-95-97.

МЕҲР-МУРУВВАТГА ДАЪВАТ

Бозор иқтисодиётига ўтилиши шундай ҳам ночор кун кечираётган ўттиз миллион шўро кишисининг турмуш даражасини янада пасайтиришига йўл қўйиб бўлмайди, деб таъкидланади бир қанча жамоат ташкилотларининг мамлакат фуқароларига мурожаатномасида. Ижтимоий мадад муаммоси жуда мураккаб ва уни жамоатчиликнинг иштирокисиз муваффақиятли ҳал этиб бўлмайди, деб таъкидланади мурожаатномада. Шу муносабат билан «Инсонпарварлик ва меҳр-мурувват» Бутуниттифоқ уюшмаси, ВЦСПС, уруш, меҳнат ва СССР Қуролли Кучлари ветеранлари Бутуниттифоқ кенгаши, Шўро хотин-қизлари қўмитаси, Шўро Тинчлик фонди, Қизил крест ва Қизил ярим ой жамиятлари уюшмаси, Шўро меҳр-мурувват ва саломатлик фонди аҳолининг камбағал табақаларига ёрдам маҳаллий фондларини тузишга даъват этдилар.

Мамлакат минтақалари ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш даражаларининг турлича эканлиги туфайли жумҳурият ва маҳаллий ёрдам дастурларини қўллаб-қувватлаш учун марказий жамоат фонди тузилди.

Бу фонд учун маблағни «Камбағал ва фуқароларга ёрдам фонди» деган ёзув билан СССР саноат ва қурилиш банки оператив бошқармасидаги 606901 сонли (Москва молия бўлими 299082) ҳисоб варақасига ўтказиш керак.

(СИТА).

Бир хат изидан

ТОРТИШУВ

Одатда жуда катта жиноятлар ҳам вилоят чегарасидан чиқмай ҳал этилади. Сирдарё вилоятининг икки нуфузли идораси ўртасидаги бу тортишувга сабаб бўлаётган иш эса унчалик катта эмас. Албатта прокуратура ёки суд аралашган иш инсон тақдирига тааллуқли бўлади. Бунақа ишда эса етти ўлчаб бир кесмоқ керак. Шуниси ажабланарлики, шу йил қишдан бери судралиб келаётган бу ишни узил-кесил ҳал қилишда адолат эмас, балки йиқилган курашга тўймас қабилида иш тутиш устун қўйилмоқда.

Шу йил 5 февралда Сирдарё шаҳри яқинидаги «Роҳат» ресторани ёнида жанжал бўлаётгани ҳақида давлат автоинспекцияси постига ҳабар қилишди. Капитан Дўстмуҳамедов топшириғига биноан лейтенант Қўшмуродов ва сержант Усмоновлар воқеа жойига етиб боришган. Икки тартиб бузувчининг «ўзи хон — кўланкаси майдон» эканлиги кўриниб турган эди. Бундай пайтда жанжал зўрайишининг олдини олиш йўли битта: тартиббузарларни постга олиб бориш. Аммо жазавадаги одам ҳамиша ҳам таклифингизга кўнавермайди. Шунда қатъийроқ талаб қилишдан бошқа иложингиз қолмайди. Улар эса яна бўйсунмай шовқин-сурон кўтарадилар. Шунда ён-атрофдагилардан ёрдам сўрашга мажбур бўласиз. Улар ёрдам берса хўби-хўп, акси бўлса-чи?.. Қўшмуродов билан Усмонов шундай қилишди. Аммо уларнинг сўраган ёрдамлари ўрнига жазаваси тутган бир олифтадан «Сенга ёрдам бериш эмас, ўлдириш керак!» деган жавоб олди. Кўпчилик олдида ҳақоратланган милиция лейтенанти ҳалиги маст-аласт, вайсаётган кишини тартибга чақирмоқчи бўлиб яна постга боришни, ўша ерда ҳаммасини холисонлилло, қизишмасдан ҳал қилишни таклиф этди. Улар эса кўнишавермади...

Постда эса кутилганидек бўлмади. Орадан сал фурсат ўтмай хонага бир неча киши бостириб кириб, капитан Дўстмуҳамедовни дўппослай кетишди. Улардан бири лейтенант Қўшмуродовни бўғиб олган. Ака-ука Михаил, Николай, Александр Абкарянлар кичик укасининг постга келтирилганлигини эшитиб бу ерга келиб қолишганди. Сал ўтмай бу муштумзўр азаматлар ҳовридан тушиб, ўз хатоларини англадилар чоғи автоинспекция ходимларидан кечирим сўраб, ялиниб-ёлворишга ўтдилар. Чунки, улар укаси маст ва айб унинг ўзида эканлигини тушуниб қолдилар. Агар яраш-яраш қилишмаса ишнинг пачаваси чиқиб кетиши мумкинлигини билишган. Унинг устига ДАИ ходимларини дўппослаган Абкарянлардан бири эса милиция катта лейтенанти эди. Дўстмуҳамедовлар жанжал кучайганини кўрибоқ шаҳар милиция бўлимидан наряд чақириб қўйишганди.

Майор Бобоев бошчилигидаги наряд етиб келганида Абкарянларнинг тиз чўкиб ўтиниб ялинишлари инобатга олиниб, иккала томон яраштирилган. Шу сабабли протоколь тузилмади. Ҳеч ким суриштирилмади. Ёки милиция бўлимига ҳам олиб борилмади.

Эртасига эса устаси фаранг Александр Абкарян Сирдарё ноҳия прокуратурасига ариза кўтариб борди. Гўё лейтенант Қўшмуродов уни урган эмиш. Бу даъво суд медицина экспертизаси томонидан ҳам тасдиқланди. Албатта эксперт ким урганлигини айтиб беролмайди. Бироқ унинг хулосаси Абкарян шикоятига мос тушади. Прокуратура терговчиси Н. Худойбердиев эса ана шу «далил»ни маҳкам тутиб олди. У бу «далил»ни асослаш учун А. Абкаряннинг улфатлари бўлмиш Рамазонов, Аджиева, Агеевларни асосий гувоҳ сифатида сўроқ қилиб, Қўшмуродовнинг айби «тўла тасдиқланди», деган хулосага келди. Бу хулосага кўра ДАИ ходими, Қўшмуродов мансабини суиистеъмол қилган ашаддий безорилик билан Александр Абкарянни таҳқирлаган, тан жароҳати етказган бўлиб қолди.

Жиноий иш билан Сирдарё вилояти судида танишдик. Очиқ айтиш керак, терговчи Худойбердиев терговни ғоят сифатсиз олиб борган, бу нарса Сирдарё ноҳия судида дастлабки кўриб чиқишдаёқ маълум бўлиб қолди ва иш қайта терговга юборилди. Лекин ноҳия прокуратураси суд ажримига норозилик билдирди. Аслида терговнинг нуқсонлари прокуратура раҳбарларига маълум эди. Афтидан улар мабодо қайта терговга ўтказилса, бу нуқсонлар очиқ-ойдин кўриниб қолишидан хавотирда эдилар.

Милиция лейтенанти Элмурод Қўшмуродовнинг оқловчиси А. Хлюстов жиноий иш билан танишганда анча ноаниқликларни, ҳатто процессуал қонун талаблари бузилганлигини аниқлади. Масалан, Э. Қўшмуродов вилоят ДАИсида ишлаган, бироқ терговчи Худойбердиев бу идоранинг хулосасини олмаган.

Қўшмуродов терговда ҳам, суд мажлисида ҳам гарданига қўйилаётган айбларни тан олмаган ва терговчининг далилларини рад этувчи қатор ҳолатларни мисол келтирган. Шулардан бири Александр Абкарян билан аввал бўлиб ўтган можаро хусусида эди. Абкарян маст ҳолда машина бошқариб келаётганда ДАИ ходими Қўшмуродов томонидан ушланган ва жарима солинган. 2 февралдаги бу воқеада унинг жазаваси тутганлигининг боиси ҳам шу жариманинг оқибати бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Терговчи эса бу ҳолатга эътибор бермаган. Бу ҳам камлик қилганидек, Абкарянларнинг ашаддий безорилиги аҳамиятсиз нарса, деб уларга нисбатан жиноий иш қўзғатмаган. Ҳолбуки улар ДАИ постида босқинчилик қилганлари учун, хизмат вазифасини бажарётган Дўстмуҳамедовга ва лейтенант Қўшмуродовга тан жароҳати етказганликлари учун қонун олдида жавоб беришлари керак эмасми? Тўғри А. Абкарян ҳам енгил тан жароҳати олган. Бироқ гувоҳларнинг тасдиқлашича бу жароҳат ДАИ постида эмас, балки унинг маст ҳолда бошқа жойда қилган хатти-ҳаракати оқибатида юз берган. У йўлда шофёрлар билан ғижиллашиб қолиб, уларнинг бирига тан жароҳати етказган. Иккинчи марта ҳамла қилганда эса боши билан йиқилиб тушган. Буни бир неча киши тасдиқлаб турибди. Лекин терговчи Худойбердиев учун бу кўрсатманинг аҳамияти йўқ. Шундан ҳам унинг терговда холис бўлмагани кўриниб турибди. Ишга бундай совуққонлик билан қаралгани оқибатида бир ёш милиция ходими айбдор, деб топилиб, ДАИ ходими вазифасидан бўшатилди ва февраль ойидан бери ишсиз қолди. Айниқса, Ўзбекистон ШИЖ Жиноят кодексининг 204-моддаси 2-банди билан айбланаётгани унга қаттиқ алам қилмоқда. Мантиққа қаранг. У ўзидан катта лавозимдаги ходимдан (капитан Дўстмуҳамедовдан) топшириқ олгани ҳолда қоида бузганларга қарши курашган бўлса-ю, «сен ашаддий безорилик қилдинг» деб айбланса.

Ғоят ғалати мантиқ. Бунинг ғалатилиги шундаки, ўз вазифасини бажарган Қўшмуродов жиноятчи-ю, уни ашаддий безориларча ҳақоратлаб, погонини юлиб олган Александр Абкарян эса жабрланувчи эмиш. Ҳолбуки, фуқаро Карапетянни калтаклашиб, чала ўлик қилиб кетган, бироқ кимларнингдир ҳомийлигида бу ишнинг бости-бости қилинишига эришганлар ҳам шу ака-ука Абкарянлар эди. Сирдарё ноҳия прокуратурасидаги ҳуқуқ ҳимоячилари буни билмасликлари мумкин эмас.

Бизнинг ноҳия халқ судига ҳам қисман эътирозларимиз бор. Суд ишни ўрганиш чоғида тергов материалларидаги қатор чалкашликларни пайқаган бўлиши табиий. Агар судда кўрилган камчиликлар ўз вақтида бартараф этилганда эди бу иш ҳозиргача судралмас эди.

Вилоят прокуратураси эса Қўшмуродовнинг «менинг ишим Сирдарё ноҳиясида кўрилишига норозиман» мазмунида берилган аризасини эътиборсиз қолдирган. Хуллас вилоят прокуратураси вилоят суди жиноий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг ажримига ҳам норозилик келтирди. Шуларни ўйлаб туриб таажжубда қоласан киши. Бизнинг тушунишимизча Сирдарё ноҳия прокуратураси ўз терговчисини, вилоят прокуратураси эса ноҳия прокуратурасини кўр-кўрона ҳимоя қилиб адолатни топтамоқдалар. Шуни алоҳида айтиш керакки, вилоят суди маълум даражада холисликка интилмоқда. Бироқ прокуратура томонидан кишибилмас оғмачиликка йўл қўйилаётир. Хуллас икки нуфузли идора орасида пинҳона тортишув кетаётир. Тўғри, ҳақиқат ана шу курашлар жараёнида юзага чиқади. Бироқ самарасиз тортишувдан кимга наф? Орада бир инсон умри жувонмарг бўлаётир. Бунга асло йўл қўйиб бўлмайди.

Саминжон СУЛТОНОВ, «Ёш ленинчи» мухбири.

ТВ

28 СЕНТЯБРЬ — ЖУМА

● ЎзТВ I

11.25 Кўрсатувлар тартиби. 11.30 Табиатшунослик. Табиатни нима учун ўрганамиз? 12.00 «Кунгурлик рассом», «Венециядаги карнавал». Манзарали фильмлар. 12.30 Ўзбек совет адабиёти. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий. 13.00 Такрорий фильмлар экрани. «Қайнона». Бадиий фильм.

* * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 Янгиликлар. 18.10 «Алиса мўъжизалар мамлакатида». Мультфильм. 2-3-сериялар. 18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотига номзодлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Пахтани ёнғиндан муҳофаза қилайлик!» 20.20 Тижорат хабарлари. 20.30 Москва. «Вақт». 21.00 Мақом кечаси. 21.30 «Ахборот». 21.50 «Маош куни». Телефильм. 22.00 «Ҳорманг, пахтакорлар!» Бадиий-мусиқий кўрсатув. 24.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

МТ I

6.00 «120 минут». 8.00 «Сеҳрланган сўз». Мультфильм. 8.10 Жаҳон халқлари ижоди. 8.40 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 9.25 «Кинопанорама». 10.55 «Қойил, Паваротти». 12.00 «Вақт».

* * *

16.00 «Телевидение — болаларга». Болалар учун телепрограмалар I Бутуниттифоқ фестивали якунлари ҳақида. 17.00 «Маньчжурия». Телеочерк. 18.00 «Вақт». 18.30 «Агар сиз...» 19.15 «Канизак Изаура». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 15-серия. 20.30 «Вақт». 21.00 Коллаж. 21.05 Ички ишлар вазирлиги маълумотларига кўра. 21.15 «Бу бўлган... бўлганди...». 21.45 «Олтин хазина»дан. И. Л. Андроников. «Катта зал ҳақида хотиралар». 23.15 «Яшасин, одамлар!» «Нигоҳ» программасига илова. 00.15 «ТСН».

● МТ II

16.30 «Москва — Сиэтл». Мусиқий лавҳа. 16.55 «Москвалик таъмирловчилар ҳузурида». И. Грабарь устахонасида. 17.10 «Характерли рақс». Москва шаҳри болалар рақс жамоаларининг конкурси. 18.00 «Вақт». (сурдо таржимаси билан). 18.30 «Буюк Петр». Телевизион ҳужжатли фильм. 19.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Биз меҳмондамиз». 19.50 Спорт ҳамма учун. 20.05 «Тошдаги жилолар». Ўроллик ўймакор усталар санъати ҳақида телевизион ҳужжатли фильм. 20.15 Коллаж. 20.25 К. -А. Кулька чалади (скрипка, Польша телевидениеси). 21.00 СССР Олий Совети сессиясида. 21.30 РСФСР Олий Совети сессиясининг кундалиги. 22.30 «Касби — терговчи». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия. 00.20 Футбол. СССР чемпионати. «Спартак» — «Арарат».

Муҳаррир ўринбосари Фаррух РАҲИМОВ.

«Ёш ленинчи»

«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана

Издаётся на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.

ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
ИНДЕКС: 64607.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Д. — 23583.